# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 24 октябрь, № 219 (9114) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН БЕЛЬГИЯГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Брюссель шаҳрига келди.**

Бельгия пойтахтининг халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Эдуардс Стипрайс ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

24 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан музокаралар ҳамда Бельгияликлар Қироли Филипп билан учрашув ўтказади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросимида иштирок этади.

Ташриф доирасида Европанинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмаларининг вакиллари билан давра суҳбати ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

**ЎзА.**

Тошкент — Брюссель:

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Бельгия ва Европа Иттифоқи пойтахти — Брюссель умумевропа сиёсати ва иқтисодий кун тартибини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Брюссель нафақат Европанинг сиёсий маркази, балки етакчи халқаро ташкилотлар, дипломатик миссиялар ва молиявий институтлар манфаатлари кесишадиган нуқтадир. Айнан шу ерда ЕИ ривожланишининг асосий йўналишлари ва ташқи ҳамкорлар билан алоқаларини белгиловчи қарорлар қабул қилинади.*

### Биз ва жаҳон

Бошланган ташриф Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорлик тарихида ҳал этувчи босқич бўлади, деб айтиш мумкин. Ташриф доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар ва ташқи сиёсий фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилган Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги янги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши режалаштирилган.

Европа ҳамжамиятлари билан алоқалар 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон ҳукумати ва Европа Иттифоқи комиссияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланиши билан бошланди. Дипломатик муносабатлар 1994 йил 16 ноябрда ўрнатилди, 1995 йилда эса Брюсселда Ўзбекистон элчихонаси очилди, у айни пайтда Европа Иттифоқидаги ваколатхона вазифасини бажаради. 2011 йилдан буён Тошкентда Европа Иттифоқи делегацияси фаолият юритмоқда.

Ўшандан бери Европа кенгаши Президентининг Ўзбекистонга учта ташрифи — 2019, 2022 ва 2025 йилларда, шунингдек, Европа комиссияси Президентининг 2025 йилда ташрифи амалга оширилди.

Ўзбекистон “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” формати доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. 2023 йилнинг 2 июнь куни Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарларининг учрашуви доирасида Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель билан учрашди. Ўзбекистон Президенти 2023 йил 18 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги иштироки доирасида ҳам Европа кенгаши Президенти билан учрашди. Ўзбекистон Президентининг Европа кенгаши Президенти билан БМТнинг иқлим бўйича саммитларидаги иштироки доирасида 2023 йил 1 декабрда Дубайда ва 2024 йил 12 ноябрда Бокуда навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2025 йил 4 апрель куни Самарқанд шаҳрида Европа кенгаши ва Европа комиссияси президентлари Антониу Кошта ва Урсула фон дер Ляйен, шунингдек, Марказий Осиё давлат раҳбарлари иштирокида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”нинг биринчи саммити бўлиб ўтди. Шу куни Самарқанд иқлим форумининг очилишида Европа Иттифоқи етакчилари ҳам иштирок этди. “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити якунлари бўйича муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтарувчи Қўшма декларация ҳамда муҳим хомашё соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштириш ниятлари тўғрисидаги декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда эришилган асосий ютуқлардан яна бири мамлакатимизнинг умумий имтиёзлар тизими — “GSP+” доирасида бенефициар мақомига эга бўлиши бўлди. Бу тизим Ўзбекистон маҳсулотларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилишга йўл очди. Ушбу мақом нафақат Ўзбекистоннинг Европага экспорти ўсишини рағбатлантирди, балки мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари, меҳнат стандартлари, атроф-муҳит муҳофазаси ва самарали бошқарув соҳаларидаги ютуқлари эътироф этилишига хизмат қилди.

Иқтисодиёт, савдо ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон — Европа Иттифоқи қуйи қўмитаси савдо-иқтисодий масалаларда ўзаро ҳамкорликнинг муҳим механизми ҳисобланади.

➔ 2

Герд МЮЛЛЕР:

## ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИНИНГ ТАШАББУСИ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ

*БМТнинг саноатни ривожлантириш бўйича ташкилоти (UNIDO) бош директори Герд Мюллер Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслар ҳақидаги фикрларини билдирди.*

### Дунё нигоҳи



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида илгари сурган UNIDO билан саноатда “яшил” технологиялар минтақавий хабини ташкил этиш ташаббуси эътирофга лойиқ.

Мамлакатингиз етакчисининг мазкур таклифи Ўзбекистон саноатни барқарор ривожлантиришга ҳамда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қатъий содиқлигини намоён қилди.

Бундай минтақавий марказ инновациялар учун янги имкониятлар яратади ва Марказий Осиё давлатлари олдида турган кўплаб масалаларни ҳал этиш, уларнинг ечимлари бўйича қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Ўзбекистон ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида UNIDO билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда экосаноат парклари лойиҳаси орқали биз Ўзбекистондаги саноат зоналари ва корхоналарга тоза ишлаб чиқариш усулларини қўллаш, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда айланма иқтисодиётни жорий этишга ёрдам бериб келмоқдамиз.**

Ишончим комил, мамлакатингизнинг тўқимачилик ва тикувчилик саноатини модернизациялаш лойиҳамиз маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини оширади, шу билан бирга, уларнинг минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини оширади.

UNIDO Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкори сифатида “яшил”, барқарор ва фаровон келажакни барпо этишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишга тайёр.

**«Дунё» АА.**
Вена

## ҲАР ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАР

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг 151-ассамблеяси доирасида қатор халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий давлатлар парламентлари аъзолари билан учрашувлар ўтказди.*

### Учрашув

Хусусан, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси “Халқ кучи” партияси фракцияси раҳбари Юн Же Ок билан учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқотда жорий йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарларининг учинчи учрашувига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Туркия Буюк миллат мажлиси Ташқи ишлар қўмитаси аъзоси Асуман Эрдўған билан учрашув ҳам самарали бўлди.

Суҳбат чоғида Парламентлараро Иттифоқнинг 2026 йил апрель ойида Истанбулда бўлиб ўтадиган 152-ассамблеяси доирасида қўшма тадбирлар ҳамда келгуси йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференциясига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Словения парламентининг Ташқи сиёсат қўмитаси раиси Предраг Бакович билан бўлиб ўтган мулоқот давомида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг жадал ривожланаётгани қайд этилди.

Учрашувда дўстлик гуруҳлари фаолиятини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя, гендер тенглик ва барқарор ривожланиш йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “2025 йил тўққиз ойлик учун Давлат бюджети параметрларида барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар учун ажратилган маблағлар ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.*

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш ҳамда кўриб чиқишда Барқарор ривожланиш миллий мақсадларини (БРММ) ҳисобга олиш ва акс эттириш белгиланган. Мазкур қарорда тасдиқланган 16 та миллий мақсад, 127 та вазифани мониторинг қилиш учун 190 та индикатор белгилаб олинган.

Ахборотда қайд этилишича, Барқарор ривожланиш миллий мақсадларида белгиланган марраларга эришиш учун Давлат бюджетидан 2021 йилда 68,8 фоиз маблағ ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич 2024 йилда 74,1 фоизга етган. Жорий йилнинг 9 ойида ушбу мақсадларга сарфланган маблағлар Давлат бюджети харажатларининг қарийб 74 фоизини ташил қилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, Давлат бюджети харажатларининг Барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) концепцияси доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

➔ 3

## «СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АЛЬЯНСИ» РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ФАҚАТ ИЛГАРИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Замонавий дунёда сунъий интеллект (СИ) нафақат тараққиётнинг бош омили, балки давлатларнинг рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишини таъминловчи асосий воситалардан бирига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, уни ривожлантириш, миллий соҳа ва тармоқларда жорий этиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда глобал тенденцияларга ҳамоҳанг ҳаракат қилиш ҳар бир давлат учун стратегик аҳамият касб этмоқда.*

### Муносабат

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилди. Қисқа даврда давлат хизматлари, банк-молия, жамоат хавфсизлиги, транспорт каби йўналишларда 30 дан ортиқ пилот лойиҳалар ишга тушди. Ўтган йили Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Натижада бир йил ичида мамлакатимиз сунъий интеллектга тайёргарлик бўйича халқаро индексда 17 поғона юқорилади, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг сунъий интеллект соҳасидаги салоҳияти тахминан 10 млрд. АҚШ долларига баҳоланмоқда.

➔ 3

## МУАЗЗАМ ЗАМИННИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ








**Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар**

*Бу гўша не-не таърифу эъзозга, эътиборга муносиб кўрилмаган дейсиз?! У муқаддас, мўътабар, азизу мукаррам, муаззам дея қадрланган. Маънавият ва маърифат бешиги саналган. “Илм жамулжам бўлган жой” дейилган. Унинг Нумижкат, Бумичкат, яъни Янги қўрғон, Ал-Мадина ас-суфрийя (Мис шаҳар), Мадинат ат-тажжор (Савдогарлар шаҳри), Фохира, яъни Фахрли шаҳар каби номлар билан аталгани ҳам тарихий манбаларда муҳрланган.*

*Авлодлар ардоғида бўлиб келган бу замин истиқлол йилларида янгиланишлар, ўзгаришлар сари юз бурди. Бунёдкор эл ғайрату шижоати, матонати билан исми жисмига монанд гўша қиёфасини олди. Ҳовучи дур, қалби ҳур диёрга айланди.*

*Гап Бухорои шариф ҳақида бораётганини англадингиз, албатта.*

➔ 5

Тошкент — Брюссель:

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

1 2024 йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 6,4 млрд. долларни ташкил этди. 2025 йилнинг январидан августигача бу кўрсаткич 4,5 млрд. доллардан ошди, Европа компаниялари билан амалга оширилган лойиҳалар портфели эса 30 млрд. еврога етди. Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорлари қаторига “Siemens”, “Linde Group”, “CLAAS”, “Airbus”, “Basf”, “Alstom”, “Total”, “Orano”, “OTP Group” ва бошқалар киради. Ўзбекистонда Европа Иттифоқи мамлакатлари сармояси иштирокидаги 1069 та корхона, шу жумладан, 304 та корхона 100 фоиз Европа капитали билан фаолият юритмоқда.

ЕИ Ўзбекистоннинг минтақада демократик ўзгаришлар, бозор ислоҳотлари ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлидаги ташаббусларини изчил қўллаб-қувватлайди. Брюссель Марказий Осиёда энергетика ва транспорт инфратузилмаси, сув ресурслари, рақамлаштириш ва таълимни ривожлантириш лойиҳаларида фаол иштирок этиб, Ўзбекистонни минтақадаги асосий ҳамкор сифатида кўради.

Европа Иттифоқи билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Ўзбекистон Европа Иттифоқининг 2021 — 2027 йилларга мўлжалланган “Эразмус+” таълим дастури ва 2021 — 2027 йилларга мўлжалланган “Horizon Europe” илмий-тадқиқот дастурининг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Янги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг Европа билан ўзаро тушуниш, очиқлик ва ишончни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ташқи сиёсатининг мантиқий давоми бўлади. Ҳужжат савдо ва сармоядан тортиб фан, технология, маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишгача бўлган кенг кўламли соҳаларни қамраб олади.

Ушбу келишув нафақат иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, балки сиёсий мулоқотни кенгайтириш, барқарор ривожланишни таъминлаш, глобал муаммоларга биргаликда жавоб бериш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу Ўзбекистоннинг прагматик ва тинчликпарвар сиёсат олиб борувчи ишончли шерик сифатида тан олиниши рамзидир.

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Бельгия Қироли Филипп билан учрашади. Бинобарин, Бельгия Ўзбекистоннинг Европадаги асосий ҳамкори ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда сиёсий мулоқот фаоллашди, иқтисодий алоқалар кучайди, гуманитар ҳамкорлик кенгайди. Мамлакатлар савдо, инвестиция, инновациялар, “яшил” энергия, логистика, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда конструктив ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Бельгия томони Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида иқтисодиётни либераллаштириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ҳукумат очиқлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар самараларини ижобий баҳолайди. Брюссель расмий Тошкентнинг жамиятни модернизация қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини олқишлаб, бу ислоҳотлар барқарор ривожланиш ва Ўзбекистонга халқаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг Брюсселга бошланган расмий ташрифи ва Европа Иттифоқи билан кенг қамровли янги битимнинг имзоланиши ўзбек дипломатияси тарихида муҳим воқеа бўлади. Бу қадам Ўзбекистоннинг Европадаги мавқеини мустаҳкамлабгина қолмай, ҳамкорликни янада ривожлантириш, сармояларни жалб этиш, янги технология ва ғоялар алмашиш учун кучли туртки бўлиб хизмат қилади. Бельгия, айни чоғда Европа пойтахти ҳамда халқаро дипломатия маркази бўлган Брюссель минтақанинг Ўзбекистонга ишончи ортиб бораётгани, унинг Евроосиёда барқарорлик, барқарор ривожланиш ва ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашдаги муҳим роли эътироф этилган майдонга айланади.

**«Дунё» АА.**

Ўзбекистон ва ЕИ:

# ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

*Шу йил 24 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Брюсселга ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланади. Бу воқеа Тошкент ҳамда Брюссель ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги босқични бошлаб бериши кутилаётгани ҳам айни ҳақиқат.*

Мушоҳада

Мазкур битим бешта асосий стратегик йўналишни қамраб олади, яъни сиёсий мулоқот, савдо ва инвестициялар, хавфсизлик, рақамли ва “яшил” ривожланиш, шунингдек, барқарор шериклик. Ушбу йўналишлар Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт стратегияси ҳамда Европа Иттифоқининг глобал ҳамкорлик тамойиллари билан уйғундир.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими мавжуд алоқаларни чуқурлаштириб қолмай, икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқади. Ҳужжат Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, иқтисодий, энергетика ҳамда гуманитар соҳаларда узоқ муддатли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади. Бу, ўз навбатида, Европа капитали ва технологияларининг Ўзбекистонга кириб келиши учун қулай муҳит яратади.

## Алоқаларни мустаҳкамлаш имконияти

Очиғи, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар унинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширмоқда. Европа давлатлари Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан муносабатларни чуқурлаштиришга катта қизиқиш билдирмоқда ва бу минтақанинг геостратегик аҳамияти ва барқарор ривожланиш салоҳияти билан изоҳланади. Европа Иттифоқи учун бу Марказий Осиёда ишончли ҳамкор билан алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо йўлакларини диверсификация қилиш ҳамда минтақавий хавфсизликка ҳисса қўшиш имкониятидир. Ўзбекистон учун эса европалик ҳамкорларнинг инвестицияларини жалб қилиш, илғор технологияларни ўзлаштириш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва экспорт бозорларини кенгайтириш учун кенг имкониятлар очилади.

Айниқса, рақамли ва “яшил” иқтисодиёт соҳаларидаги ҳамкорлик юртимизнинг келажакдаги барқарор ўсиши учун янги уфқларни белгилайди. Қувонарлиси Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақавий қудратга айланиш учун катта салоҳияти бор стратегик мавқега эга. Яъни минтақанинг марказида жойлашгани унинг бутун ҳудуднинг сиёсий, иқтисодий ва маданий динамикасига сезиларли таъсир кўрсатишига имкон беради.



Аҳолиси 38 миллиондан ортиқ бўлган Ўзбекистон минтақавий қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутадиган мустаҳкам демографик базага ҳамда иқтисодий ўсиш ва минтақадаги таъсирини кучайтириш учун ёш ҳамда малакали ишчи кучига эга. Иқтисодий нуқтаи назардан, Ўзбекистон сўнгги йилларда мамлакатни хорижий инвестициялар учун очиб, бизнес муҳитини яхшилади, чуқур ислоҳотлар туфайли сезиларли ўзгаришларни амалга оширди.

Табиий газ, минераллар, юқори сифатли пахта ва диверсификацияланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари каби табиий ресурсларнинг мўллиги минтақавий ҳамда халқаро бозорлардаги иштирокни кучайтириш учун мустаҳкам асос яратади. Бу нафақат ўз ресурсларидан фойдаланиш, балки энергия, кончилик ва замонавий қишлоқ хўжалиги каби стратегик секторлардаги салоҳиятини қадрлаш имконини беради.

## Ташқи алоқалар диверсификацияси

Ўзбекистон минтақавий ва глобал сиёсатда муҳим ўрин тутувчи ривожланган давлатлар билан муносабатини фаол равишда кенгайтирмоқда. Ташқи алоқаларни диверсификация қилиш стратегияси савдо, инфратузилма, хавфсизлик ҳамда маданият соҳаларида ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди ва мамлакатни минтақада барқарорлик ҳамда ривожланиш намунаси сифатида кўрсатади.

Шу ўринда, Европа Иттифоқининг жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги муҳим ўрнига тўхталмоқ жоиз. Бу нафақат 27 та аъзо давлатни бирлаштирган сиёсий ва иқтисодий блок, балки жаҳоннинг геосиёсий ҳамда геоиқтисодий ландшафтида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йирик тузилмадир. Унинг кенг қамровли таъсири аҳоли сони, иқтисодий ва саноат салоҳияти, шунингдек, глобал сиёсий, иқтисодий жараёнлардаги етакчи роли билан белгиланади.

Европа Иттифоқининг аҳолиси сони 447 миллиондан ортиқ бўлиб, бу уни Хитой ҳамда Ҳиндистондан кейин учинчи энг йирик бозор ва ишчи кучи манбаига айлантиради. Бундай катта аҳоли сони ЕИнинг нафақат ички истеъмол бозорини шакллантиришда, балки глобал меҳнат бозорида ҳам муҳим ўрин тутишини таъминлайди. Юқори малакали кадрлар, илмий тадқиқот ҳамда инновацияларга катта эътибор минтақанинг инсон капиталини доимий равишда ривожлантириб боради.

## Дипломатик ва тинчликпарвар куч

Европа Иттифоқи жаҳон саҳнасида дипломатик ва тинчликпарвар куч сифатида муҳим ўрин тутади. У ўз қадриятлари — демократия, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги ҳамда кўп томонламалик тамойилларини фаол тарғиб қилади. У халқаро ташкилотларда, жумладан, БМТ ва ЖСТда фаол иштирок этиб, глобал муаммоларни ҳал қилишда етакчи ўринда.

Минтақавий интеграциянинг муваффақиятли намунаси сифатида ЕИ бошқа ҳудудлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Ички келишмовчиликлар ва ташқи босимларга қарамай ЕИ глобал хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнайди.

ЕИнинг геоиқтисодий қудрати унинг ягона бозорига асосланган бўлиб, у товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланишини таъминлайди. У жаҳондаги энг йирик ва интеграциялашган бозорлардан биридир. 2023 йил маълумотларига кўра, ЕИда ЯИМ 17 трлн. евродан ошади, бу уни АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи энг йирик иқтисодиётга айлантиради. Евро — бу жаҳон захира валюталари орасида АҚШ долларидан кейин иккинчи ўринда турадиган ишончли валюта бўлиб, ЕИнинг халқаро молия тизимидаги таъсирини янада кучайтиради.

ЕИ жаҳон савдосида ҳам етакчилардан. Унинг иқтисодий ва саноат салоҳияти ниҳоятда кенг ва диверсификациялашган. Бунга юқори технологияли ишлаб чиқариш (автомобилсозлик, аэрокосмик саноат, фармацевтика, машинасозлик), хизмат кўрсатиш соҳаси (молия, туризм, консалтинг), шунингдек, инновация ҳамда илмий тадқиқотлар киради.

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш, рақамлаштириш, сунъий интеллект ҳамда биотехнологиялар ЕИнинг келажакдаги ўсиш драйверлари ҳисобланади. Минтақа жаҳондаги энг жозибали инвестиция йўналишларидан биридир. Бунинг асосий сабаби, аввало, барқарор сиёсий ва ҳуқуқий муҳит, шаффоф қонунчилик ҳамда қонун устуворлиги инвесторлар учун ишончли кафолат бўлиб хизмат қилади.

Европа Иттифоқи нафақат йирик иқтисодий қудрат, балки жаҳон геосиёсий жараёнларида муҳим ўрин тутувчи, қадриятларга асосланган тузилмадир. У глобал чақириқларга жавоб бериш, тинчлик, барқарорлик ва барқарор келажакни қуришда асосий ҳамкорлардан биридир.

## Самарали ҳамкорлик учун ишончли кўприк

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битимининг имзоланиши Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очиши муқаррар. Бу битим нафақат ҳуқуқий асос, балки келажакдаги узоқ муддатли ҳамда самарали ҳамкорлик учун ишончли кўприк бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

Ўзаро ҳамкорликнинг бу янги босқичи икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш, минтақавий барқарорликни таъминлаш ҳамда глобал чақириқларга биргаликда жавоб бериш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу, шунингдек, Ўзбекистоннинг очиқлик, прагматизм ва кўп векторли ташқи сиёсат тамойилларига содиқлигининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Дарвоқе, шу ўринда Европа кенгаши раиси Антониу Кошта Мустақиллик куни муносабати билан йўллаган табригида бўлажак ташрифнинг аҳамиятига тўхталиб, “24 октябрь куни Брюсселда бўлиб ўтадиган учрашувни интиқлик билан кутяпман, у ерда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда янги бобни очадиган тарихий битимни имзолаймиз” деган сўзларини эслатиш жоиз. Бу ҳам имзоланиши кутилаётган ҳужжатнинг улкан аҳамиятини яққол намоён этади.

Европа комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйен эса Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё — ЕИ” саммитида Ўзбекистоннинг “Global Gateway” дастурида муҳим ўрин тутишини қайд этди. Ушбу дастур доирасида ЕИ инфратузилмани ривожлантириш, “яшил” энергетика, рақамли алоқа ҳамда транспорт йўлакларига 12 млрд. евро йўналтиради.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги муҳим воқеалардан бири бўлиши кутилаётган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни Европа стандартларига мувофиқлаштириш ҳамда кўҳна қитъанинг илғор тажрибаларини ўзлаштириш учун янги имкониятлар эшигини очади. Бу икки томонлама муносабатларда ишонч ва ўзаро манфаатларга асосланган барқарор ҳамкорликнинг рамзи, десак асло муболаға бўлмайди.

**Мамарасул ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг иқтисодиёт факультети декани, PhD, доцент.**

# ДАХЛДОРЛИК ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

## «Самарқандим» журналининг жорий йилдаги 2-сони нашр қилинди

*Самарқанд давлат университети муассислигидаги ушбу ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, тарихий, оммабоп журнал кўҳна ҳамда ҳамиша навқирон кентнинг шонли тарихи, бугунги қизғин ҳаёти ва бу заминда туғилган, яшаган, фаолият кўрсатган инсонларнинг умр дафтарини ёритиш ҳамда кенг тарғиб этишни мақсад қилган.*

Мутолаа

Журнални варақлаб, тафаккур чиғириғидан ўтказар экансиз, ижодий жамоа ушбу мақсад рўёби йўлида катта меҳнат қилаётганига яна бир бор амин бўласиз.

Нашрнинг муқовасида шу йил 4 апрелда Самарқанд шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитининг энг қайноқ лаҳзаларини тарихга муҳрлаган сурат акс эттирилган. Ички саҳифада Европа кенгаши Президенти Антониу Коштанинг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга йўллаган миннатдорлик мактуби чоп қилинган бўлиб, унда “Ушбу муҳим саммит Халқаро иқлим форуми билан биргаликда Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги стратегик шерикликда, Ўзбекистон Республикаси билан икки томонлама муносабатларимизда янги ва муҳим саҳифа очди”, дея таъкидланиши мазкур нуфузли анжуманнинг қандай юқори савияда ўтганини яққол ифодалайди.

Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродовнинг “Президент Шавкат Мирзиёевнинг озод тафаккур ғояси ҳақида ўйлар” сарлавҳали мақоласи ушбу сoннинг асосий мавзу йўналишини белгилайди.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ёшлари билан учрашуви, унда айтилган фикр ва мулоҳазалар, билдирилган таклиф ҳамда ташаббуслардан муаллиф қалбида уйғонган мушоҳадалар, кечинмалар, фахр-ифтихор туйғулари ҳар қандай ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Мақолада юртимизда навқирон авлодга яратиб берилаётган қулай шароитлар, уларни турли босимлар, мажбурий меҳнатдан халос этиш, тафаккурини уйғотиш, орзулари осмонида эркин парвоз қилишига қанот бўлиш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритган муаллиф шундай ёзади:

“Мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг миллатимни пахта қуллигидан қутқаришини Америка Қўшма Штатларининг 16-Президенти Авраам Линкольннинг инсоният олдидаги тарихий хизматларига тенглаштиргим келди. У 1862 йилда “Озодлик тўғрисидаги прокламация”ни имзолаган эди. Мазкур ҳужжат АҚШда қулликни тугатишга қаратилганлиги билан тарих саҳифаларига муҳрланган”.

Дарҳақиқат, узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда ҳукм сурган мажбурий меҳнат пахта қуллигини келтириб чиқарди. Натижада жисмоний қуллик тафаккур қуллигига замин бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, инсонпарварлиги, халқсеварлиги одамларни пахта қуллигидан қутқарди. Пировардида “Миллат ўзининг камида икки асрлик тарихида илк бор озод тафаккур билан юзма-юз келди. Озод тафаккурнинг тўлқинлари бутун дунёда акс садо берди”.

“Қўшработ қалби, қадри, қисмати...” сарлавҳали мақолада Қўшработ туманининг марказдан олис ҳудудларидаги мактабларга давлатимиз раҳбари топшириғига асосан автобуслар ажратилганининг аҳамиятига урғу қаратилган. Бу болаларга узоқдан мактабга қатнашига қулайлик яратиши, энг муҳими, навқирон авлодга яна бир ғамхўрлик нишонаси экани интервьюлар асосида очиб берилган.

Нобель мукофоти соҳиби, Самарқанд давлат университетининг фахрий профессори Азиз Санжар, Франциядаги Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси раҳбари Фредерик Бопертюи-Брессан, Самарқанд давлат университети профессори Саззад Ҳоссаин, Хитойнинг шимоли-ғарбий қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги университети профессори Чжан Зхенгмаонинг дил сўзлари, Самарқанд давлат университети Дастурий инжиниринг кафедраси доценти Ҳабиба Абдиеванинг сунъий интеллект ёрдамида саратон касаллигини эрта аниқлаш борасидаги илмий қарашлари, Жаҳон физиологлар жамияти академиги, Ўзбекистон Миллий университети профессори Бакриддин Зариповнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инновацион лойиҳа ҳақидаги мақоласи ҳамда бошқа материаллар, дилбар шеърлар, ёдномалар, таассуротлар муштарийда шу юртнинг бугуни, эртаси, тақдирига дахлдорлик ҳиссини уйғотади, қалбида Ватан туйғусини оловлантиради.

Ишонамизки, нашрнинг янги сони ҳам ўқувчиларга манзур келади.

**«Халқ сўзи».**



# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ?

*Олий Мажлис Сенатида Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижроси ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Йиғилиш

Унда вазирлик ва идоралар ҳамда илмий-таҳлилий муассасаларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни ҳамда уларнинг индикаторларини ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш, миллий индикаторлар бўйича маълумотлар базасини янгилаш ҳамда қабул қилинаётган стратегия ва тармоқ дастурларини Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, идоралараро ҳамкорликни кучайтириш, миллий ҳисоботларни халқаро мезонлар билан уйғунлаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилиш пировардида мазкур масалани ялпи мажлис муҳокамасига олиб чиқиш ҳамда унинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини қабул қилишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

*Олий Мажлис Сенати ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан 2025 йилда аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси ижроси кўриб чиқилди.*

Муҳокама

Мазкур жараёнда ишчи гуруҳ томонидан ўтган давр мобайнида чора-тадбирлар режаси ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар, жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга қаратилган фаолияти таҳлил қилинди, соҳа мутахассислари ҳамда амалиётчи олимларнинг фикрлари эшитилди.

Таъкидланганидек, аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш борасида бугунги кунга қадар муайян ишлар амалга оширилган.

Жумладан, “E-learning” электрон таълим платформасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “Очиқ маълумотларга кириш” ҳамда “Очиқлик бўйича давлат сиёсати” мавзуларида 2 та онлайн курс йўлга қўйилди. Ушбу курсларни 119 та ташкилотдан 697 нафар ходим тамомлаган ва уларга сертификатлар топширилган.

Давлат харидлари жараёнида коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш юзасидан 52 та давлат хариди оператори, 418 та давлат буюртмачиси ҳамда 1 115 нафар тадбиркор иштирокида сўровнома ўтказилди.

Илғор хорижий тажриба ўрганилиб, Финляндия Адлия вазирлигининг маҳаллий ҳокимликларда коррупцияга қарши курашиш бўйича услубий қўлланмаси ўзбек тилига таржима қилиниб, комплаенс хизматлари фаолиятига татбиқ этиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

Олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларида “Коррупцияга қарши курашиш” сарлавҳаси яратилди. Унинг доирасида турли мавзуларда 2 328 дан ортиқ тарғибот материаллари ва маълумотлар жойлаштирилди. Олий таълим муассасаларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида #Стоп коррупция хештеги остида 778 маротаба челленж ўтказилди.

Муҳокама иштирокчилари бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш долзарб масала эканлиги боис аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш масалалари қонунчиликда ўз аксини топиши ҳамда тезроқ амалиётга татбиқ этилиши юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилаётганини айтди.

Йиғилиш якунида ишчи гуруҳ аъзолари билдирган таклиф ҳамда мулоҳазалар инобатга олиниб, чора-тадбирлар режасининг ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашга қаратилган ишларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# МИЛЛАТЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ВОСИТА

*Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтида Ўзбекистон ва Польшани бирлаштирувчи маданият масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.*

Анжуман

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ижодкорлар учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда халқаро маданий алоқаларни кенгайтиришга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Польша билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорлиги мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг ёрқин намунаси экани қайд этилди.

Конференцияда Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш, ижодий алмашинув дастурларини кенгайтириш ҳамда маданият соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари диққат марказида бўлди.

**«Халқ сўзи».**

**Пойтахтимизда Ўзбекистон — Ўмон аёл тадбиркорлари II бизнес форуми ўтказилди.**

Сайёр қабул

## МУРОЖААТЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудлардаги фаолияти давомида аҳоли вакиллари ва тадбиркорлар билан мулоқотлар ўтказади. Уларда мавжуд камчилик ва муаммолар ўртага ташланади. Бу каби масалалар, ўз навбатида, сенаторлар томонидан назоратга олиниб, уларни ҳал этиш юзасидан амалий чоралар кўрилади.*

Жумладан, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов Уйчи туманида ўтказган навбатдаги сайёр қабулда Хизиробод маҳалласи ҳудудида жойлашган Оилавий шифокор пунктига даволаш-диагностика ускунаси зарурлиги юзасидан мурожаат келиб тушди.

Мазкур мурожаат сенатор томонидан назоратга олиниб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди. Натижада халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси масъуллари кўмагида Оилавий шифокор пунктига замонавий ЭКГ аппарати топширилди.

**«Халқ сўзи».**

# «СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АЛЬЯНСИ» РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ФАҚАТ ИЛГАРИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

◄1 Бу салоҳиятни реал натижаларга айлантириш учун мустаҳкам инфратузилма, очиқ маълумотлар ва юқори сифатли кадрлар тайёрлаш зарур. Айнан шунинг учун ҳам давлат саъй-ҳаракатлари дата-марказлар ва суперкомпьютер қувватларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Биргина шу йилда 16 та суперкомпьютер сотиб олиш учун 50 млн. доллар ажратилди, келгуси йилда бу сумма икки баробар оширилади. Бунда Қорақалпоғистон Республикасидаги имтиёзли инвестиция режими муҳим рағбат бўлади. СИ инфратузилмасига 100 млн. доллардан ортиқ сармоя киритувчи инвесторлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари, шунингдек, электр энергиясига имтиёзли тариф қўлланилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонни рақамли инновацияларнинг минтақавий марказига айлантириш учун стратегик қадамлардир.

Президентимиз раислигида шу йил 21 октябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам сунъий интеллект технологияларини давлат бошқаруви тизимига, иқтисодиётга ва мамлакат ҳудудларига жадал жорий этиш бўйича устувор чора-тадбирлар муҳокама қилиниб, эндиликда вазирлар ва тармоқ раҳбарларини рақамлаштиришга масъул ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида соҳада сунъий интеллектни ривожлантиришга ҳам жавобгар бўлиши белгиланди.

Миллий контентни ишлаб чиқиш ва жорий этиш алоҳида эътибор талаб қиладиган муҳим жиҳат ҳисобланади. Бу сунъий интеллект дастурларининг самарали ишлаши учун улар ўзбек тилини мукаммал тушуниши зарурлиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан адабиёт, илмий ишлар, архивлар ва ҳисоботларни бирлаштирган “Ўзбек тили корпуси” платформаси яратилади. Бу эса сунъий интеллект тизимларига маданиятимиз ва менталитетимиз хусусиятларини акс эттириш имконини беради.

Сунъий интеллектни ривожлантиришда энг муҳим омил — малакали кадрлар тайёрлаш. Зеро, бу масала давлат сиёсатида марказий ўринни эгаллайди. Кейинги ўқув йилидан бошлаб Информатика курсига СИга бағишланган мавзулар киритилади, Массачусетс технология институти билан ҳамкорликда махсус дарслик яратилмоқда. “Бир миллион сунъий интеллект етакчиси” дастури кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларида лабораториялар очилмоқда. “New Uzbekistan” университети базасида эса “соҳа — ОТМ — ҳамкор” тамойили асосида кластер ташкил этилаётир.

Ушбу масалага катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки замон шиддат билан ўзгаряпти. Жаҳонда ҳар бир соҳага сунъий интеллект, рақамли технологиялар кириб келяпти. СИ технологияларини жорий этиш нафақат иш самарадорлигини оширади, балки янги бизнес моделларини яратишга ҳам хизмат қилади. Қолаверса, у иш жараёнларини автоматлаштириш билан бирга, инсон имкониятларини кенгайтиради.

Шу сабабли мамлакатимизда СИ технологияларини ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Масалан, сунъий интеллект, молиявий технологиялар, киберхавфсизлик ва булутли технологиялар йўналишлари бўйича давлат грантлари квотаси 35 фоизга оширилаётир. Ёшлар ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида эса мукофот жамғармаси бир миллион АҚШ доллари бўлган “Сунъий интеллект соҳасидаги энг яхши стартап” каби миллий танлов таъсис этилди.

Давлатимиз раҳбари 2030 йилга бориб, СИ бўйича дунёнинг “ТОП — 50”-талигига киришни мақсад қилганимиз, шу боис илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, “Сунъий интеллект альянси”ни ташкил этиш кўзда тутилганини айтиб ўтди. Альянс таркибига соҳада самарали фаолият юритаётган етакчи компаниялар, хорижий экспертлар ва ватандошларимиз, йирик давлат корхоналари, банклар ҳамда олий ўқув юртлари киритилади.

Етакчи халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва акселераторлар билан ҳамкорликни кучайтириш, миллий дастурлар асосида медиаконтент яратиш, халқаро “PR” кампаниялар ўтказиш ҳамда маҳаллий мутахассислар ва компанияларнинг халқаро кўргазма ва форумларда иштирокини таъминлаш унинг асосий вазифалари сирасига киради. Умуман олганда, “Сунъий интеллект альянси” Ўзбекистонда инновацион ҳамкорликни кучайтириш, янги ғоялар ва илмий салоҳиятни бирлаштириш орқали мамлакатимизни рақамли иқтисодиётда илғор ўринга чиқаришга хизмат қилади.

Видеоселектор йиғилишининг якунлари шуни кўрсатадики, сунъий интеллект таъсири остида жаҳон иқтисодиётининг жадал ўзгариши шароитида Ўзбекистон сиёсий ирода ва стратегик фикрлашни намойиш этмоқда. Айнан ҳозирги пайтда фуқароларнинг янги турмуш сифати ва давлатнинг янги рақобатбардошлик даражаси деб аташ мумкин бўлган интеллектуал пойдевор қўйилмоқда.

Фикримизча, шиддатли глобал ўзгаришлар контекстида парламентнинг қўллаб-қувватлаши рақамлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар изчиллигини қонунчилик орқали таъминлашнинг асосий кафолати бўлиши керак. ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари сунъий интеллект ривожланишини вақтинчалик технологик тенденция эмас, балки миллий рақобатбардошлик пойдевори ва фуқаролар ҳаёти сифатини ошириш воситаси тарзида кўради.

Партиямиз сайловолди дастурида ҳам рақамли технологияларни иқтисодиётнинг барча тармоқларига жорий этиш ва шу орқали аҳолига ҳамда тадбиркорларга енгилликлар яратиш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар партиямиз мақсадларига уйғун ва ҳамоҳангдир. Шундан келиб чиқиб биз, депутатлар бу соҳада Президентимиз билдирган вазифалар бажарилишининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, уларнинг ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтиришимиз лозим.

Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг изчил амалга оширилиши ҳамда ушбу йўналишларда белгилаб берилган вазифалар ижроси Ўзбекистоннинг интеллектуал суверенитетини мустаҳкамлаш ҳамда Янги Ўзбекистоннинг стратегик, яъни фан ва ақл ютуқларидан халқ манфаати йўлида ишонч билан фойдаланувчи давлат ғоясини рўёбга чиқаришнинг энг муҳим омили бўлади.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.**



# ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

◄1 Муҳокама давомида депутатлар Давлат бюджетининг БРММни амалга ошириш учун қўшимча молиялаштиришни талаб қиладиган соҳаларни аниқлаш ва харажатлар самарадорлигини таҳлил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш жараёнини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан фойдаланишда шаффофлик ва очиқликни таъминлаш ҳамда натижадорликка эришиш бўйича ўз takлифларини билдирди.

Шу билан бирга, халқ вакиллари БРММ йўналишида ажратилган маблағларнинг манзилли ва мақсадли ишлатилишини парламент ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан назорат қилиш бўйича механизмларни ишлаб чиқиш юзасидан таклиф берди.

Шунингдек, келгуси йиллар учун бюджет параметрларини ишлаб чиқишда Давлат бюджети харажатларининг БРММга мувофиқлиги бўйича таснифлаш услубиётини такомиллаштириш ва янада кенг жорий этиш лозимлиги айтилди.

Якунда кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИ — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

*Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Иссиқхона хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва уларга берилаётган имтиёзлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.*

Маълум қилинганидек, бугунги кунда республикамизда жами 3 341 та субъектда 6 042 гектар иссиқхоналар мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан 3,5 баробар ошган. Айни чоғда иссиқхоналарда 1 923 нафар малакали агроном фаолият олиб бормоқда. Уларда эса аҳолини иш билан таъминлаш кўрсаткичи сезиларли даражада яхшиланиб, 8 208 та доимий, 27 168 та мавсумий иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, 2018 — 2025 йиллар давомида жами 1368 та тадбиркор томонидан 1909 гектар майдонда лойиҳа қиймати 868,3 млн. долларлик иссиқхона барпо этилиб, 17056 та янги иш ўрни яратилди. Иссиқхоналар орқали республика ҳудудларида 2020 — 2025 йилларда қиймати 879 млн. 107 минг доллар бўлган жами 1 749 минг тонна маҳсулот экспортга йўналтирилди.

Иссиқхоналар фаолияти билан боғлиқ, жумладан, уларни иситишда фойдаланилаётган табиий газ ва кўмирга нисбатан арзон ҳамда инновацион бўлган муқобил ёқилғи турларини ўрганиш, иссиқхона хўжаликларига ажратилган кредитлар бўйича фоиз тўловларини вақтинчалик тўхтатиб туриш, маҳсулотлар таннархини камайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилиниб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди.

Қизғин мунозаралар давомида депутатлар томонидан иссиқхона хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, мавжуд имтиёзлар ва преференциялар бўйича тадбиркорларни хабардор этиш, фаолияти тўхтаб турган иссиқхоналарни таҳлил қилиб, уларни ишга тушириш чораларини жадаллаштириш ҳамда соҳага инвестиция лойиҳаларини жалб этиш бўйича қатор таклифлар берилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Очиқ парламент

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ТИНГЛАНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан транспорт-логистика хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари билан учрашув ўтказилди.*

Унда депутатлар, Транспорт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Парламент тадқиқотлари институти масъуллари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда транспорт ва логистика соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар қатнашди.

Қайд этилганидек, транспорт ва логистика соҳаси мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, унинг барқарор ривожланиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва жаҳон бозорига интеграциялашувини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг географик жойлашуви мамлакатни Осиё ва Европа бозорларини боғловчи стратегик транзит нуқтасига айлантирмоқда. Шу боис логистика тизимини такомиллаштириш, хизматлар сифатини ошириш ва халқаро стандартларга мос инфратузилма яратиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётир.

Хусусан, сўнгги йилларда юк ташиш ҳажмлари барқарор ўсиб, логистика марказлари сони кўпаймоқда. Шунингдек, транзит оқимлари диверсификация қилинмоқда ва рақамли логистика тизимлари жорий этилаётир. Айниқса, “Е-логистика” ахборот тизимининг яратилиши орқали транспорт-логистика марказларининг ягона электрон базаси шакллантирилиб, операторлар фаолиятини баҳолаш тизимида очиқлик ва самарадорлик таъминланяпти.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда 16 та йирик мультимодал логистика маркази фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг йиллик юкларга ишлов бериш қуввати 10,7 млн. тоннани ташкил этади. Яқин йилларда бу кўрсаткични уч баробаргача ошириш, яъни 30 млн. тоннадан зиёд юк айланмасини таъминлаш режалаштирилган.

Бу йил январь — сентябрь ойлари якуни билан 133,6 трлн. сўмлик транспорт хизматлари кўрсатилди, бу 2024 йилдагига нисбатан 112 фоизни ташкил этди. Республика бўйича автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти турларида жами 1129,4 млн. тонна юк ташилиб, ўсиш кўрсаткичи 4,5 фоизга етди.

Жорий йилнинг 9 ойида халқаро юк ташувлар ҳажми (экспорт, импорт, транзит) 49,2 млн. тонна бўлиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 114,6 фоиз ўсди. Транспорт хизматлари экспорти эса 1 млрд. 756,7 млн. долларга етди ва ўтган йилдагига нисбатан 38,6 фоиз ошди.

Учрашувда соҳадаги долзарб масалалар, жумладан, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, логистика хизматларини рақамлаштириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ҳамда хизматлар самарадорлигини ошириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашилди. Шу билан бирга, Президентимизнинг 2025 йил 27 январдаги тегишли қарорида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Якунда очиқ мулоқот натижасида соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва транспорт хизматларининг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

Фикр

*Илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган бугунги шароитда давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, саноат, қўйингки, барча соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш урфга кирмоқда.*

# СОҲАГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИМИЗ ЛОЗИМ

Сунъий интеллект (СИ) бугун турли йўналишларда инсон оғирини енгил қилаётган бўлса, илғор давлатлар ундан миллионлаб, миллиардлаб доллар даромад кўрмоқда. Мамлакатимизда ҳам ахборотлаштириш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали 2030 йилга қадар инновацион тараққий этган етакчи давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

СИ технологиялари нафақат ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасига кириб бормоқда, балки соҳа ва тармоқларнинг самарали фаолияти учун ижобий таъсир кўрсатмоқда. У муайян вазифаларни бажаришда инсон хатти-ҳаракатига тақлид қилишга қодир тизим ёки технология бўлиб, маълумотларни йиғиш, таҳлил этиш кабиларни ўз ичига олади.

Тўғри, сунъий интеллект технологиялари одамлар бажарадиган вазифаларни автоматлаштириш орқали самарадорликни оширишга ёрдам беради, лекин эндиликда унинг қамрови янада кенгаймоқда. Ҳозирда сунъий интеллект билан одамларнинг характерини, қобилиятини, ходимнинг ишга бўлган ёндашувини ҳам аниқлаб олиш мумкин.

Технологиялар мисли кўрилмаган суръатда ривожланиб, СИ кундалик жараёнларга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда: мижозларга хизмат кўрсатишдан тортиб бошқарув қарорларини қабул қилишгача. Юртимизда ҳам мазкур илғор тажрибани амалиётга татбиқ этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётир.

Хусусан, Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси қабул қилиниб, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида махсус марказ ташкил этилди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллект лойиҳаларини бажариш мақсадида 50 млн. доллар маблағ ажратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳани ривожлантиришнинг истиқболлари белгилаб берилди.

Таҳлилий маълумотлар СИ технологияларидан фойдаланиш ҳамда уни молиялаштириш ҳажми ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Йил бошида 2030 йилга бориб, дунё иқтисодиётида сунъий интеллект улуши 15 трлн. долларга етиши прогноз қилинган бўлса, ҳозирги таҳлиллар бу рақам 20 трлн. доллардан ортишини кўрсатмоқда.

Сунъий интеллект соҳасини барқарор ривожлантириш учун кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон иқтисодиётидаги тенденциялар шуни кўрсатмоқдаки, келгуси 5 — 10 йил ичида СИ билан боғлиқ мутахассисликлар талаб энг юқори бўлган соҳалар қаторига кўтарилади. Шу боис соҳада кадрлар тайёрлашни, энг аввало, мактаблардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Йиғилишда ушбу масалага алоҳида урғу берилиб, кейинги ўқув йилидан Информатика фани ўқув дастурларига сунъий интеллектга оид мавзулар киритилиши, олийгоҳларда эса СИ лабораториялари ташкил этилиши айтилди.

Урғулаш жоизки, сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш Ўзбекистоннинг рақамли трансформациясида стратегик аҳамият касб этади. Бу нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, йиғилишда белгилаб берилган долзарб вазифалар ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатишимиз, соҳага доир қонунчиликни такомиллаштиришимиз лозим бўлади.

**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Спортдаги янги босқич:

# ИСЛОҲОТ ВА ИМКОНИЯТЛАР

*Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси билан ҳамкорликда “Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти” мавзуида давра суҳбати ўтказди.*

Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қонунчилик базаси такомиллаштирилиб, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун орқали соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳар бир фуқарога спорт билан эркин шуғулланиш ҳуқуқини таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини спортга жалб этиш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун кенг имкониятлар яратилди.

Маълумотларга кўра, оммавий спортни ривожлантириш борасида маҳалладан бошланган янгича тизим ва ёндашув асосида ўтган йилда аҳоли қамрови 10 млн. нафарга етган. Жорий йил якунигача ушбу кўрсаткични 15 млн. нафарга етказиш режалаштирилган. Бунда “Маҳалла лигаси”, “Мактаб лигаси”, “Талабалар лигаси”, “Вазир кубоги” ҳамда “Касаба уюшмалари кубоги” каби мусобақалар ташкил этилиши назарда тутилган.

Ҳозирда 8,4 млн. 16 — 30 ёшли йигит-қиздан 7,2 млн. нафари электрон рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 6,6 млн. нафари мусобақаларда фаол иштирок этган. Шунингдек, ногиронлиги бўлганлар ўртасида 13 та адаптив спорт тури бўйича мусобақалар уюштирилган.

Соҳадаги ислоҳотлар доирасида туман спорт бўлимлари мақбуллаштирилиб, спорт мактаблари оммавий ва профессионал спортни ривожлантиришда масъул этиб белгиланган. Айни вақтда республика бўйича 254 та спорт мактабида 460 минг спортчи-ўқувчи мунтазам шуғулланмоқда. Уларга 12,7 минг тренер таълим беряпти.

Шу билан бирга, оммавий спорт бўйича тренер-селекционер лавозими жорий этилиб, уларга маҳаллаларда ёшлар етакчилари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари бириктирилган.

Жорий йилдан уч босқичли “Янги Ўзбекистон олимпия чўққилари” мусобақа тизими ҳам йўлга қўйилиб, тажриба тариқасида 10 та спорт тури қамраб олинади.

Давра суҳбатида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг спортга қизиқишини ошириш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

Тадбир доирасида депутатлар янги барпо этилган Олимпия шаҳарчасида ҳам бўлиб, у ерда яратилган шароитлар билан танишди, фаолият олиб бораётган спорт усталари ва мураббийлари билан фикр алмашди.

**«Халқ сўзи».**

Пойтахтимиз яна бир нуфузли анжуман — I Марказий Осиё нейромушак касалликлари конгрессига мезбонлик қилмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН — БМТ:

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ — ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ЖИДДИЙ ТАҲДИД

*Бугун она сайёрамиз иқлим ўзгариши муаммолари гирдобига тушиб қолаётгани аччиқ ҳақиқат. Зотан, инсониятнинг табиатга хўжасизларча муносабати оқибатида ўрмонлар кескин камайиб кетди, атмосфера ҳавоси турли чиқинди газлар билан ифлосланмоқда. Энг ачинарлиси, глобал исиш таъсирида тошқинлар, ўрмон ёнғинлари, чанг бўронларига дуч келяпмиз, миллионлаб одамлар сув танқислигидан азият чекяпти.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзлаган нутқида тобора кескин тус олаётган иқлим ўзгариши билан боғлиқ бундай ўткир муаммоларга алоҳида эътибор қаратди. Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат марказида бўлиши лозимлигига урғу берилди. Ўзбекистон Оролбўйи экотизимини қайта тиклаш ишларини изчил давом эттираётгани, сўнгги йилларда денгизнинг қуриган тубида шўрга чидамли чўл ўсимликлари экилгани айтилди.*

*Нутқда таъкидланганидек, мамлакатимизда сувни тежашга бағишланган бутунжаҳон форумини ўтказиш режалаштирилмоқда. Мазкур анжуман якунлари бўйича сув инқирозини барқарор тараққиёт учун жиддий таҳдид сифатида белгилаш кўзда тутилган.*

*Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамиятда катта акс садо бериб, илмий марказлар ва тадқиқот институтлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, кенг жамоатчилик муносабат билдирмоқда. Қуйида ана шундай фикр ва мулоҳазаларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.*

**Акс садо**

## УЙҒОҚЛИККА УНДОВЧИ ЧАҚИРИҚ

**Анвар ТЎЙЧИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси:**



— Президентимиз томонидан БМТ минбарида минтақа олдида турган асосий вазифалар белгиланиб, уларни ҳал этишда қатор йирик ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, экология масаласи, Оролбўйи экотизимини тиклаш, сув ресурсларини тежаш, иқлим миграцияси юзасидан Глобал пакт қабул қилиш ғоялари нафақат Марказий Осиё, балки бутун инсоният келажаги учун ғоят катта аҳамиятга эга.

Иқлим ўзгаришларининг олдини олишда "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари томонидан "яшил технологиялар минтақавий хаби"ни ташкил қилиш таклиф этилгани ҳам бежиз эмас. Бу ташаббуснинг ҳаётга татбиқи минтақадаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда иқтисодиётнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон экологик хавф-хатарларга қарши туришда фақат ташаббусларни илгари суриш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Бугунги кунда мамлакатимизда "Қайта тикланадиган энергия манбалари тўғрисида"ги, "Энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, Президентнинг тегишли фармонлари ва қарорлари мазкур соҳада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди. Бу ҳужжатлар асосида қуёш ва шамол энергияси соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш, тадбиркорларга солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, кредит механизмларини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Натижада 2025 йилда қайта тикланувчи манбалар ҳисобига 8 млрд. киловатт-соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу каби изчил саъй-ҳаракатлар туфайли 2030 йилга бориб, умумий генерацияда "яшил" энергиянинг улушини 50 фоиздан ошириш мақсад қилинган. 3 мингта микроГЭСда 164 мегаватт, қуёш ва шамол қурилмалари ҳисобига 750 мегаватт қувват ишга туширилиши бунга амалда эришиш муқаррарлигидан далолатдир.

Иқтисодиёт тармоқлари олдига ҳам энергия тежаш бўйича аниқ вазифалар қўйилган. Хусусан, кимё ва металлургия соҳаларида энергия сарфи дунё меъёрларидан икки баробар юқори. Шу боис 10 — 15 фоиз энергияни иқтисод қилиш, 2030 йилда электр тармоқларида йўқотишларни ҳозирги 14 фоиздан 8-9 фоизга тушириш устувор вазифага айланган. Буларнинг изчил ижроси саноатда қўшимча 27 фоиз ялпи ички маҳсулот яратиш имконини бериши билан диққатга сазовордир.

## БЕБАҲО НЕЪМАТНИНГ ҚАДРИ ҲАМ, ҚИЙМАТИ ҲАМ ОРТМОҚДА

**Аҳмад СУВОНҚУЛОВ,**
**«Ўзсувтаъминот» АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи:**



— Давлатимиз раҳбарининг юксак минбарда туриб сўзлаган нутқида сув ресурслари муаммоси нафақат Марказий Осиё ёки Ўзбекистонга, балки бутун дунёга катта таҳдид солаётгани аниқ мисоллар орқали чуқур таҳлил қилиб берилди. Ушбу глобал муаммо таъсирини юмшатиш, бу борада тезкор чоралар ишлаб чиқиш бўйича таклифларни муҳокама этиш учун Бутунжаҳон сув форумини Ўзбекистонда ўтказиш ташаббуси илгари сурилгани халқаро ҳамжамиятнинг юртимизга бўлган эътиборини янада оширди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда иқлим ўзгаришига мослашиш ва сув ресурсларини иқтисод қилиш, бу бебаҳо неъматдан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган саккиз йилда ушбу мақсадларга 27,5 трлн. сўм маблағ ажратилгани, шунинг 16 трлн. сўми ёки қарийб 60 фоизи сўнгги уч йилга тўғри келгани сўзимиз тасдиғидир. Бу маблағлар ҳисобига зарурий иншоотлар, сув тармоқлари барпо этилди. Ичимлик ва оқова сув таъминоти яхшиланди. 2025 йилда эса халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда умумий қиймати 2 млрд. 180 млн. долларлик 21 лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 4,1 млн. аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланиши, 2,1 млн. нафар кишига оқова сув хизматлари кўрсатиш сифати тубдан ўзгариши кутиляпти.

Бугунги кунда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 82,1 фоизга, оқова хизматлари қамрови эса 20,5 фоизга етди. 2030 йилга қадар буни мос равишда 90 ҳамда 32,6 фоизга етказиш учун камида 40 трлн. сўм инвестиция жалб этилиши режалаштирилгани таҳсинга лойиқ, албатта. Негаки, иқлим ўзгариши шароитида сувнинг қадри, қиймати тобора ошиб бормоқда. Бу ҳар бир кишини обиҳаётдан тежабтергаб фойдаланишга, унинг исрофига йўл қўймасликка ундайди.

## ЭНДИ ХАТО ҚИЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

**Фаррух САТТОРОВ,**
**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Иқлим ўзгариши миллий маркази директори:**



— Иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммонинг таъсири мамлакатимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Орол денгизининг қуриши туфайли Марказий Осиё минтақасидаги иқлим ўзгариши дунё кўрсаткичларидан икки баробар жадаллашиб кетгани бунга бир мисолдир. Аммо юртимизда қўл қовуштириб ўтирмасдан денгиз чекинишнинг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзлаган нутқида бу йўналишда ишлар ҳақида батафсил тўхталиб, дунё ҳамжамияти эътиборини мазкур экологик инқирозга яна бир бор қаратди.

Эътироф этилганидек, сўнгги йилларда денгизнинг қуриган тубида шўр ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экилиб, 2 млн. гектар майдонда яшил қопламалар ҳосил қилинди. Бу ишлар кўлами йил сайин кенгайтирилиб, 2030 йилгача сув чекинган Оролнинг 80 фоизида яшил "қалқон" яратиш кўзда тутилган.

Иқлим ўзгаришининг салбий таъсирлари ҳақида гап кетганда, музликларнинг тез эриб кетаётганини ҳам келтириш жоиз. Бунинг оқибатида кейинги 15 йил ичида аҳоли жон бошига сув таъминоти 3048 куб метрдан 1589 куб метргача қисқарди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан энг кўп сув сарфланадиган қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилиниб, томчилатиб суғориш ва бошқа илғор усуллар жорий этилаётгани, каналларни бетонлаштириш ишлари жадал олиб борилаётгани бу йўқотишларнинг олдини олишда қўл келяпти.

Президентимиз БМТнинг юксак минбаридан туриб дунё ҳамжамиятини ўйлантириб келаётган яна бир глобал муаммога эътибор қаратди. Бу — иқлим миграцияси. Ҳозирги кунда бундай ҳолат бутун дунёда кузатилмоқда. Яъни иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига дуч келган аҳоли бошқа мақбул ҳудудларга кўчиб кетмоқда. Бу, ўз навбатида, экотизимларга қўшимча юк бўлади, урбанизация масалаларига салбий таъсир этади. Шу жиҳатдан, халқаро ҳамжамиятга жуда ўринли таклиф берилди. Бу айнан ўша иқлим миграцияси билан боғлиқ бўлган халқаро шериклик ва мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш бўйича пакт қабул қилиш ташаббусидир.

Давлатимиз раҳбари нутқидан сўнг жуда кўп халқаро ташкилотлар Ўзбекистон билан ишлашга тайёр эканини билдирмоқдаки, бу мамлакатимиз нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**



# СУВ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

## бошқарувни такомиллаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва обиҳаётни тежаш имконини беради

*Сув ресурслари чекланган ҳозирги шароитда ундан фойдаланишда тежамкорлик ва юқори маҳсулдорликка эришиш нафақат алоҳида мамлакатлар, балки минтақаларнинг барқарор тараққиётга эришишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистонда мазкур масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, сувни тежаш ва бошқарувда самарадорликни оширишга ҳукумат ҳамда жамият томонидан эътибор қаратилмоқда.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 13 октябрь куни сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш, қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳанинг хусусий сектор учун жозибадорлигини ошириш юзасидан тақдимот билан танишиб, истиқболдаги устувор вазифаларни белгилаб бергани соҳадаги изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.*

*Бинобарин, бу мамлакатда сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда соҳага инвестицияларни жалб қилиш борасида ташланган муҳим қадамлардир.*

**Нуқтаи назар**



### Рақамлаштириш — тез ва самарали ечим

Сўнгги йилларда сув хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш, ирригация инфратузилмасини янгилаш ва сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бироқ қуйи бўғиндаги бошқарув тизимида ҳали ечимини кутаётган муаммолар мавжуд эди. Хусусан, хизмат кўрсатиш самарадорлигини юксалтириш, ҳисоб-китобларни шаффофлаштириш ва молиявий мустақилликни таъминлаш каби вазифалар долзарблигича қолмоқда.

Президент тақдимот билан танишиш жараёнида айнан шу муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўрсатмаларни берди. Сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш орқали сув ресурсларини бошқаришда шаффофлик ва самарадорликни ошириш, шунингдек, соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш кўзда тутилган.

Тақдимотда, энг аввало, рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки сув ресурслари ва улардан фойдаланишни мониторинг қилиш, сув тақсимотини оптималлаштириш ва сув сарфи ҳисобини юритиш учун замонавий ахборот технологияларини жорий этмасдан туриб, уни тежаш муаммосини ечиб бўлмайди.

Соҳани рақамлаштириш сув омборларидаги сув сатҳи ва миқдори, дарё ва каналлардаги сув оқими, ер ости сувларининг ҳолати каби маълумотларни онлайн тарзда реал вақт режимида кузатиш имконини беради. Бу эса фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, сув тошқинлари ёки қурғоқчилик каби хавфларни тезкорлик билан аниқлаш ва уларга қарши чоралар кўриш учун айни муддаодир. Маълумотларнинг тезкорлиги ва аниқлиги сув ресурсларини бошқариш бўйича тезкор ҳамда самарали қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Мисол учун, сув танқислиги юзага келганда қайси ҳудудларга биринчи сувни етказиб бериш, қайси мослашув чораларини қўллаш самаралироқ эканини аниқлаш осонлашади.

Рақамли технологиялар ёрдамида сувнинг талаб ва таклифини аниқ таҳлил қилиш, сув тақсимоти графикларини оптималлаштириш ва сув йўқотишларини камайтириш мумкин. Бу эса ундан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сув истеъмолини аниқ ҳисобга олиш орқали ноқонуний сув олиш ҳолатларини аниқлаш, ресурсларни тежаш ҳамда маҳсулдорликни оширишга ундаш мумкин. Чунки рақамли технологиялар сув инфратузилмасини бошқариш ва техник хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш орқали операцион харажатларни камайтиришга олиб келади.

### Шаффофлик ва ҳисобдорлик

Сув ресурслари ҳолати ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларнинг очиқ тарзда эълон қилиниши жамоатчилик назоратини кучайтириш ва сув ресурсларини бошқаришда шаффофликни таъминлашга кенг йўл очади. Сабаби, сувдан фойдаланувчилар ҳисобдорлигини ошириш орқали обиҳаётдан оқилона фойдаланилади ва ресурс тежалади. Бундан ташқари, рақамли маълумотлар ва моделлаштириш технологиялари ёрдамида сув ресурсларининг келажакдаги ҳолатини прогноз қилиш, шу асосда узоқ муддатли режалар ишлаб чиқиш мумкин. Бу эса иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсирига самарали мослашишни камайтириш ва хавфсизликни таъминлашда қўл келади.

Яхлит тизим бўйича маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида "Рақамли қишлоқ хўжалиги" платформаси билан интеграция йўлга қўйилади. Шу орқали суғориладиган ерлар, экин турлари ва сув лимитлари ҳақидаги маълумотлар автоматик янгиланиб борилади. Шунингдек, соҳадаги барча маълумотларни бир тизимда жамлаш учун "Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази" ташкил этилади. Марказ сув баланси, насос станциялари ва сув сарфи бўйича маълумотларни таҳлил этиб, қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштиришга кўмак беради. Бу муаммо юқори даражада тез ва самарали ечилади, деганидир. Умуман, сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш орқалигина ресурсни бошқаришда аниқлик, самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш ва узоқ муддатли режалаштириш асосида барқарорликни таъминлаш мумкин.

Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқаришда қуйи бўғиндаги хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, сувдан оқилона фойдаланиш ва муассасаларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ҳам кенг қамровли ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан биридир. Эндиликда сув хўжалиги корхоналарида штатлар сони эҳтиёж ва мавсумий шароитдан келиб чиқиб ўзгартириладиган бўлди. Бундай мослашувчанлик хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини оширишга ва ресурсларни тежашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, сув хўжалиги корхоналарининг фаолияти "KPI" (Key Performance Indicators) кўрсаткичлари асосида баҳоланади. Бунда сув етказиб бериш, сув йўқотишларини камайтириш, сувдан оқилона фойдаланиш каби муҳим параметрлар ҳисобга олинади. "KPI" кўрсаткичларининг жорий этилиши корхоналарнинг масъулиятини ошириб, фаолиятини шаффофлаштиради, ресурсларни бошқаришда самарадорликни таъминлайди.

Яна бир янгилик: 2026 йилдан сув хўжалиги ходимларини рағбатлантириш тизими тубдан ўзгаради. Ходимларнинг иш ҳақи етказилган сув миқдори ва фойдаланилган ҳажм ўртасидаги фарққа қараб белгиланади. Яъни эндиликда сувни тежаган, йўқотишларни камайтирган ва самарали фойдаланган ходимлар кўпроқ рағбатлантирилади. Бундай ёндашув сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга ва исрофгарчиликни камайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатда сув хўжалиги корхоналарининг молиявий мустақиллигини ошириш мақсадида ҳам муҳим қадамлар қўйилмоқда. Эндиликда сув солиғидан тушган маблағларнинг 40 фоизи корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади. Бу эса корхоналарга замонавий ускуналар сотиб олиш, мавжуд инфратузилмани янгилаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконини беради.

### «Бир насос — бир тизим» тамойили

Мамлакат раҳбари томонидан сув хўжалиги инфратузилмасини модернизациялаш, янги технологияларни жорий этиш ва сувдан тежаб фойдаланиш лойиҳаларига хусусий инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг қўллашга қаратилган ислоҳотлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Бу борада Наманган вилоятида амалга оширилаётган Чортоқ тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у "бир насос — бир тизим" тамойили асосида сув таъминотини яхшилаш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Илғор тажрибаларнинг ижобий натижаларига асосланган ҳолда 2026 йилга қадар Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги насос станцияларининг 50 фоизи, 2027 йилда эса Наманган вилоятидаги барча насос станцияларини хусусий шерикликка бериш режалаштирилган. Бу орқали насос станцияларини бошқаришда хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Бугун Чортоқ тажрибаси ДХШнинг муваффақиятли модели сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Чунки ушбу тажриба доирасида хусусий шерик истеъмолчиларни сув лимити доирасида сув билан таъминлайди ва насосларга боғланган майдонлардан ҳисобланган сув солиғининг 40 фоизи хусусий шерикка тўлаб берилади. Бу маблағлар сув ҳисобини автоматлаштириш ва насос станцияларини босқичма-босқич модернизация қилишга йўналтирилади.

Чортоқ тажрибасининг афзалликлари шундаки, хусусий шерик сув таъминоти учун масъул бўлганлиги сабабли, у истеъмолчиларга сифатли ва узлуксиз сув етказиб беришга интилади. Сув ҳисобини автоматлаштириш ҳамда насос станцияларини модернизациялаш орқали йўқотишларни камайтириш ва обиҳаётдан оқилона фойдаланиш таъминланади. Хусусий шерик сув солиғидан тушган маблағлар ҳисобига насос станцияларини модернизация қилишга инвестиция киритади, бу эса уларнинг техник ҳолатини яхшилайди ва энергия тежамкорлигини оширади.

Ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлаш мақсадида деҳқон ва фермерларнинг сувдан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадда "Сувчилар мактаби" лойиҳаси доирасида 2025-2026 йилларда ҳар бир туманда биттадан "ўқув дала-шийпон" ташкил этилиб, жами 141 та туманда 3,5 минг гектар майдон кўргазмали тадбирлар билан қамраб олинади. Ушбу мактабларда деҳқон ҳамда фермерларга сувдан тежамли фойдаланиш, суғориш технологиялари ва сув ҳисобини юритиш бўйича билимлар берилади. Сув хўжалигида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш, хусусан, Чортоқ тажрибасининг жорий этилиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув таъминотини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилади.

### Ислоҳотларнинг амалий ижрочиси

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети олимлари ушбу ислоҳотларнинг амалий ижрочиси сифатида соҳага оид чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Айниқса, сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланишда шаффофлик ҳамда самарадорликни оширишда рақамлаштиришни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, намуна сифатида Ғузор туманининг Гидромодуль районлаштириш веб-платформаси ишлаб чиқилди. Ушбу платформа сув истеъмолчилари томонидан сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, сув хўжалиги ташкилотлари учун сув квоталари ва лимитларини белгилашда илмий асос вазифасини бажаради. Шу билан бирга, вегетация даври мобайнида экинларнинг сувга бўлган меъёрий талабини реал вақт режимида аниқлаш имкониятини яратиб, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Сув хўжалиги вазирлиги кўмагида университетимизда "WATER HUB" маркази ташкил этилмоқда. Ушбу марказ чет элдаги ватандошларимиз ва хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда суғориш манбасидан бошлаб, экин даласигача сувдан фойдаланишни рақамлаштириш тизимини яратиш, ишлатиш ва такомиллаштириш бўйича кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш учун асосий платформа вазифасини ўтайди.

Ушбу марказнинг ташкил этилиши университетимизнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш билан бирга, бутун мамлакат сув хўжалиги тизимини модернизациялаш, сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш борасидаги саъй-ҳаракатларга мустаҳкам замин яратади.

Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган бугунги ислоҳотлар соҳада янги даврни бошлаб бермоқда. Айниқса, соҳани рақамлаштириш ва қуйи бўғинда сувдан фойдаланиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва пировардида мамлакат барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

**Баҳодир МИРЗАЕВ,**
**«ТИҚХММИ» миллий тадқиқот университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.**

**Туркманистон пойтахтида Ўзбекистоннинг экспорт, инвестиция ва туризм салоҳиятига бағишланган тақдимот ўтказилди.**

# МУАЗЗАМ ЗАМИННИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ



1

## Салоҳият ошмоқда, шароит яхшиланяпти

Кластер сифатида фаолият юритаётган "Парвоз Ҳумо Равнақ Транс" масъулияти чекланган жамиятида хорижий буюртмачиларни учратиш одатий ҳол. Бу корхона маҳсулотларининг жаҳон бозори талабларига мослиги билан изоҳланади, албатта. Чамаси 20 йилча қаровсиз ётган собиқ тўқимачилик фабрикаси ўрнида иш бошлаган ушбу субъект замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Дастгоҳлар йилига 1,5 миллиард сўмликдан зиёд электр энергиясини тежаш имконини бермоқда. Ўрнатилган трансформаторлар эса токни меъёрлаштириб бериш функциясига ҳам эга.

Шу каби замонавий технологияларни дадил жорий этиш корхонанинг экспорт салоҳиятини оширмоқда. Агар 2021 йилда 16 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич икки баравarga кўпайди. Рўзғори бут, дасти узун жамоа ижтимоий лойиҳаларга ҳам қўл ура бошлади. Кластер томонидан кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, улар 33 та кам таъминланган оилага ва 17 нафар ишчи-ходимга беғараз ажратилди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги Фармони асосида ташкил этилган эркин иқтисодий зонамизда бу каби йирик лойиҳалар йил сайин кўпайиб бормоқда, — дейди "Ғиждувон" ЭИЗ раҳбари Фарҳод Умаров. — Бугунги кунда иқтисодий зона учун Ғиждувон, шунингдек, Бухоро, Коғон, Ромитан ва Қоровулбозор туманларидан жами 686, 5 гектар ер майдони ажратилган.

Умуман, вилоятда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг дастлабки ярмида 1 293,4 млн. АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси ўзлаштирилиб, 181 та лойиҳа амалга оширилди. 6 ойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,3 фоизга ошди. Ялпи ҳудудий маҳсулот 6,4 фоизга ўсди. Бу йил 2024 йилдагига қараганда 3 баравар кўп хорижий инвестицияни ўзлаштириш кўзда тутиляпти. Ўз навбатида, экспорт йўналишида олти ойлик режа 110 фоизга бажарилди.

## Кафедраларнинг 58 та филиали ташкил этилди

Қай бир соҳани олманг, унда кадрлар малакаси ҳал қилувчи куч саналади. Жорий йил 9 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, таълим жараёнидаги узвийликка эришиш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этишга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда ҳам бу алоҳида таъкидланди. Бухоро давлат техника университети томонидан амалга оширилган ишлар алоҳида эътироф қилинди.

— Вилоятдаги 3450 та корхонанинг 193 таси кимё ва нефть-кимё саноатига ихтисослаштирилган, — дейди мазкур университет ректори Садоқат Сидиқова. — Уларнинг самарали фаолият юритиши учун хориждан 300 нафар малакали мутахассис жалб қилинган. Шу билан бирга, маҳаллийлаштириш талаб этиладиган 200 турдан зиёд материаллар, бутловчи қисмлар ва технологик реагентларга эҳтиёж бор. Шулардан келиб чиқиб, "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда университетимиз қошида соҳага ихтисослаштирилган илғор муҳандислик мактабига асос солинди.



Малайзия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Туркия, Россия Федерацияси каби давлатларнинг етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган таълим даргоҳида "Тармоқ — корхона — олийгоҳ" дастури ижросига алоҳида эътибор қаратиляпти. Унга кўра, ишлаб чиқариш корхоналарида кафедраларнинг 58 та филиали ташкил қилинган. 500 нафардан зиёд талабалар ҳақ тўланадиган амалиёт ва дуал таълим дастурларига жалб этилган. Бу эса ўқув ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Яна бир диққатга молик далил: 2024 йилнинг 31 май куни Президентимиз раҳбарлигида "Gas Chemical Complex MTO Central Asia LLC" корхонаси қурилишига старт берилган, маросимда университетнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ҳам иштирок этганди. Эндиликда бакалавриат ва магистратурадаги талабаларнинг битирув малакавий ишлари, шунингдек, докторантларнинг диссертация мавзулари айнан МТО мажмуасининг ишлаб чиқариш жараёнлари, техник ва технологик ечимларини тадқиқ этишга йўналтирилмоқда.

Аҳамиятлиси, бу йирик корхона жамоаси ташаббуси ва кўмаги билан университетда "МТО Central Asia LLC" махсус ўқув-илмий аудиторияси ташкил этилди.

## Шофиркон сўзаналари АҚШда ҳам харидоргир

Саодат буви миллий ҳунармандчиликка ёт кўз билан қаралган даврларда ҳам уйда сўзана тикишни канда қилмади. Миллий кўрпа-ёстиқ, чойшаб, сочиқ, сўзаналар меҳмонларга мўлжалланган хонага ўзгача бир файз бағишлаб турар, қўни-қўшни борки, миллийлик уфуриб турган уйдан кўз уза олмай қоларди.

Муҳаббат ана шундай муҳитда воярга етди. Онасига эргашиб, қўлига нина тутди.

— Тақдиримдан мингдан-минг розиман, — дейди Шофиркон туманидаги Талижа қишлоғида яшовчи Муҳаббат Қўчқорова. — Каштачилик ортидан элда обрў-эътибор топдим. Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб кўргазмалар иштирокчисиман. Америка Қўшма Штатларининг Санта-Фе шаҳрида анъанавий тарзда ташкил этиладиган халқаро ҳунармандлар фестивалида икки бор ғолиб чиқдим. Кўплаб шогирдлар тайёрладим. Улар орасида қизларим ҳам бор.

Шуларнинг бири Юлдуз Қўчқорова аллақачон уста ҳунармандга айланиб улгурди. Сабр-тоқат, қунт, синчковлик, кўз нури, чуқур мушоҳада, ижодий ёндашувни талаб қиладиган каштачилик сир-асрорларини ўрганган сулоланинг бу вакили айни пайтда Шофиркондаги маҳаллалардан 200 дан зиёд хотин-қизларни касаначилик асосида ишга жалб этгани эътиборга молик.

— Сўзаналарда она-табиатимизнинг бетакрор манзаралари, орзуларимиз, ниятларимиз мужассам, — дейди сулоланинг яна бир вакили Азиза Тожиева. — Уларда қалб ҳароратини туясиз. Барчаси қўл меҳнати маҳсули. Ана шу жиҳатлари билан қадрли. Сайёҳ борки, меҳнатимизни кўриб, тасанно айтади.

Қизиғи, юртимизнинг ихчамгина гўшаси саналган Талижада жило топган сўзаналарга Европанинг Испания, Италия, Буюк Британия каби мамлакатлари, ҳатто океанорти — АҚШдан харидор чиқмоқда. Шуни ҳисобга олган Азиза "Etsy", "Instagram" ва "eBay" орқали онлайн савдони йўлга қўйди. Бу ҳунарни мушкул дамларда тишининг кавагида асраб келган Саодат бувининг неваралари шу тариқа теран билим, ақл-заковати билан дунёни забт этмоқда.

Айтмоқчи, Азиза жорий йилда давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида қатнашиш бахтига муяссар бўлди.

— Қизим ўз фаолияти ҳақида сўзлаб берганида Президентимизнинг "Келажакда катта-катта бозорларда "Азиза қизингизнинг маҳсулоти" деган номингиз чиқса, жуда миннатдор бўлардим ва шу кунларга етишга ишонаман", деган сўзлари ҳалигача қулоғим остида жаранглаб турибди, — дейди Муҳаббат Қўчқорова. — Бу сулоламизга билдирилган юксак ишонч, албатта.

## «Туризм маҳалласида яшаймиз»

Юқорида сайёҳлар ҳақида бежиз сўз очилмади. Кейинги йилларда Бу-



хоронинг туристик салоҳияти кескин ўсди. Сайёҳлик манзиллари кўпайди. Меҳмонхоналар ҳам. Ғиждувондаги Қўрғон маҳалласи, Вобкентдаги Ширин, Когон туманидаги Қасри Орифон, Жондор туманидаги Ушот қишлоқлари туризм гўшаси мақомини олди. Бухоро шаҳри ҳамда Жондор туманида гастрономик кўчалар барпо этилмоқда. Бу йўналишдаги кенг қамровли ишлар ўз мевасини беряпти. Чунончи, вилоятда йиллик сайёҳлар сони 1 млн. 700 минг нафарга етди. "THE NEW YORK TIMES"дек нуфузли нашрда "Бухоро саёҳат учун энг жозибадор манзиллардан бири" дея эътироф этилганича бор-да.

— Бу гўшада болалигимиз кечган, — дейди Қўрғон маҳалласида туғилиб ўсган таниқли кулол, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Абдулла Нарзуллаев. — Ота маконим билан ҳар қанча фахрлансам арзийди. Айниқса, "Биз туризм маҳалласида яшаяпмиз" дейишса, алланечук бўлиб кетаман. Дарҳақиқат, маҳалламиз кўчаларида ўтмиш нафаси уфуриб турибди. XIV асрда барпо этилган тошҳаммом, XVI асрда қурилган "Бобораҳим", XVII асрда қад ростлаган "Бозори қаймоқ", "Боло қассобон" масжидлари, иккита қадимий қудуқ, 300 ёшли тут дарахти, ўнта кўҳна уй унинг қадимийлигидан далолат беради. Сал нарида эса Етти пирнинг дастлабкиси — Абдухолиқ Ғиждувоний қадамжоси жойлашган.

## Эскираётган нақл

Ромитан туманидаги Ўтабек маҳалласида салкам уч минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 64 нафарини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. 35 та оила эса кам таъминланган.

— Ногиронлиги бўлган фуқаролар алоҳида эътиборимизда, — дейди маҳалла ижтимоий хизмат ходими Мафтуна Бобомуродова. — Улар бирор-бир дард билан азият чекишганида шифокорлар кўмагига таянамиз. Шукрки, вилоятимизда тиббиёт тобора ривожланяпти. "Дарднинг келиши осон, кетиши мушкул", деган гап назаримда, эскирмоқда.

Мафтуна Бобомуродованинг айтганича бор. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар эл саломатлигини мустаҳкамлаяпти, одамлар ташвишини енгиллаштирмоқда.

— Халқимиз саломатлигига мустақиллик йилларида устувор вазифа сифатида қаралмоқда, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Шуҳрат Тешаев. — Бухоро давлат тиббиёт институтининг замонавий кампуси барпо этилгани, ўнлаб даволаш-профилактика муассасалари учун кўркам бинолар қурилгани, энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам вилоятнинг ўзида бажарилаётгани бу фикримизнинг тасдиғидир.

Яқинда Бухоро шаҳрида фойдаланишга топширилган эндокринология диспансери биноси ҳам юртимизда инсон саломатлигига эътибор юксак эканидан далолат беради. Қиймати салкам 48 млрд. сўм бўлган мазкур лойиҳа давлатимиз раҳбарининг вилоятга қилган ташрифи чоғида берилган топшириқ асосида амалга оширилди.

Биз юқорида кўҳна Бухорода элимизнинг фаровон яшаши учун уддаланаётган ишлар, қалби шукроналик неъматидан қувват олаётган юртдошларимиз ҳақида бир чимдим сўз юритдик, холос. Ваҳоланки, бунёдкорлик ишларининг қулочи кенг. Бу ўринда Бухоро шаҳрига ёндош ҳудудда "Янги Ўзбекистон" массиви ва боғи, замонавий халқаро аэропорт барпо этилаётгани, янги маъмурий марказ қад ростлаётгани, 10 та йирик қуёш ва шамол электр станцияси қурилаётгани, 32 минг иш ўрни яратиш имконини берадиган 21 та бизнес лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинаётганини айтиш билан чекланмоқчимиз.Хуллас, уйғониш фаслининг фарзандлари Бухоро жамоли янада довруқ қозонишига эришмоқдалар.

Аслида ҳам, Бухорога улкан имкониятлар гўшаси, дея таъриф бериш мумкин. Прогрессив ислоҳотлар маркази (PIM) тадқиқотлари ҳам шу фикрни тасдиқламоқда. Марказ томонидан 2024 йил якуни бўйича тузилган рейтинг натижасига кўра, вилоят кучли учликка кирди. Рейтингда соғлиқни сақлаш, таълим, иқтисодиёт, инфратузилма, табиий муҳит каби омиллар назарда тутилган.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «ЎЗБЕК ТИЛИ УЧУН» — ЁШЛАР ҲАРАКАТИ

*Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида икки кун давом этган "Ўзбек тили учун" номли маданий-маърифий тадбир иштирокчиларга ўзгача сурур бағишлади. Унда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан амалга оширилаётган "Ибрат фарзандлари", "Мутолаа", "Устоз AI", "Wikimarafon", "Uzchess", "Қизлар академияси" ва "Миллий караоке", "Ёшлар учун 1000 китоб" лойиҳалари йиғилганлар эътиборига тақдим қилинди.*

## Шукуҳ

Тилимиз нуфузини ошириш, халқимизнинг мутолаа маданияти, илмий тафаккур ва таҳлилий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилаётган ушбу лойиҳалар орасида "Ёшлар учун 1000 китоб" лойиҳаси алоҳида ажралиб туради.

Тадбирда мазкур лойиҳа тақдимот қилинди ва унинг ижодкорлари тантанали тақдирланди.

— "Ёшлар учун 1000 китоб" лойиҳаси доирасида она тилимизга энг сара китобларни таржима қилишда 180 нафардан ортиқ мутахассис, таржимон, муҳаррир ва дизайнерлар жалб этилган, — деди лойиҳа менежери Элдор Асанов. — Қатор нашриётлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган бу ишлар Ўзбекистонни халқаро миқёсда тан олинадиган илмий ва адабий таржима марказига айлантириш йўлидаги муҳим қадамлардандир. Китобларнинг босма ва электрон нусхалари мамлакатдаги кутубхоналар, таълим муассасалари ҳамда Миллий кутубхона фондига бепул етказилади.

Лойиҳа қисқа муддатда яхши натижаларга эришди, хусусан, бу пайтгача сара 50 та асар ўзбек тилига таржима қилиниб, 27 таси нашр этилгани сўзимизнинг тасдиғи. Яна ўнлаб китоблар чоп этилиш арафасида.

Тадбирнинг иккинчи кунида ёшлар, ижодкорлар ва ОАВ вакиллари учун фотозоналар, китоб ярмаркалари, фильмлар премьералари ҳамда интерфаол викториналар ташкил этилди.

"Ўзбек тили учун" тадбири моҳиятига кўра она тилининг замонавий жамиятдаги ўрнини мустаҳкамловчи ёшлар ҳаракатига айлана олди, десак, муболаға эмас. Бундай лойиҳалар навқирон авлод қалбида она тилига садоқат, миллий ғурур ва замон билан ҳамнафаслик руҳини кучайтириши билан аҳамиятлидир.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ 2026 ЙИЛ УЧУН ДОКТОРАНТУРА, ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ВА СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИЛИККА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № | Ихтисослик шифри ва номи | DSc | PhD | Мақсадли докторантура DSc | Мақсадли докторантура PhD | Стажёр-тадқиқотчи | Экология соҳасидаги хотин-қизлар учун (PQ-184) DSc | Экология соҳасидаги хотин-қизлар учун (PQ-184) PhD | Экология соҳасидаги хотин-қизлар учун (PQ-184) Стажёр-тадқиқотчи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси | 0 | 5 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2. | 08.00.02 – Макроиқтисодиёт | 1 | 4 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 3. | 08.00.03 – Саноат иқтисодиёти | 1 | 6 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 4. | 08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 5. | 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 6. | 08.00.06 – Эконометрика ва статистика | 1 | 5 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 7. | 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит | 1 | 15 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 8. | 08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит | 1 | 10 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 9. | 08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 10. | 08.00.11 – Маркетинг | 1 | 4 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 11. | 08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт | 0 | 3 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 12. | 08.00.13 – Менежмент | 1 | 6 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 13. | 08.00.14 – Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари | 0 | 3 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 14. | 08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти | 1 | 4 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 15. | 08.00.16 – Рақамли иқтисодиёт ва халқаро рақамли интеграция | 0 | 3 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 16. | 08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти | 1 | 4 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 17. | 09.00.04 – Ижтимоий фалсафа | 0 | 4 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 18. | 13.00.02 – Таълим-тарбия назарияси ва методикаси | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 19. | 13.00.07 – Таълимда менежмент | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 20. | 05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти | 0 | 5 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 21. | 05.01.11 – Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект | 0 | 5 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | **ЖАМИ** | **10** | **95** | **0** | **0** | **4** | **0** | **0** | **0** |

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сонли қарорига мувофиқ таянч докторантура, докторантура, стажёр-тадқиқотчиликка қуйидаги ҳужжатлар топширилиши сўралади:*

**таянч докторантурага (PhD)** талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий таълим муассасаси магистратура ва бакалавр дипломлари ҳамда унинг иловалари, нашр этилган илмий ишлар рўйхати (таянч докторантурага кириш учун талабгорларда танланган диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда камида 1 та илмий мақола, 2 тезис) ва уларнинг нусхалари, диссертация режасининг муфассал лойиҳаси (асоснома), "B2" даражадаги хорижий тилни билишни тасдиқловчи миллий ёки халқаро тан олинган сертификат;

**докторантурага (DSc)** талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида 3 та илмий мақола ҳамда 2 та тезис), тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси (асоснома), "B2" даражадаги хорижий тилни билишни тасдиқловчи миллий ёки халқаро тан олинган сертификат;

**стажёр-тадқиқотчиликка** талабгорлар ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий таълим муассасаси магистратура дипломи ва унинг иловалари, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари, диссертация режасининг муфассал лойиҳаси (асоснома)ни топширадилар.

Ҳужжатлар https://daraja.ilmiy.uz// ягона электрон тизими орқали юборилади ва асл нусхалари йиғма жилд шаклида университетнинг Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлимида қабул қилиб олиниши мумкин.

**Ҳужжатлар 2025 йил 5 ноябргача бўлган даврда қабул қилинади.**

**Тел.: 71-239-01-43, Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй, Маданият саройи, 2-қават. doctorant.tsue.uz**

Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номидаги 1-сон республика жамоат саломатлиги техникуми базасида Германия тиббиёт академияси очилди.

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

# АВТОМАКТАБ БЕКАСИ

*Норинлик Муқаддам Султонова машина ҳайдашни ўргатадиган камёб аёл устозлардан. Унинг шогирдига айланган аксарият қизлар, ўрта ва катта ёшдаги аёллар жуда эҳтиёткор ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилади. Туман йўлларида ёнига “Ўргатувчи” ёзуви битилган “Nexia-3”ни кўрганлар дарров бу Муқаддам опалигини билишади.*

### Имконият

— Қишлоғимизда Фотима исмли шофёр аёл бўларди, — дейди М. Султонова. — Ўша йиллари почтага мослаштирилган “Москвич” машинасини ҳайдаб, ҳар куни ҳеч оғринмасдан анча узоқликдаги мактабимизга ташлаб ўтарди. Ўшанда шу опага ҳавас уйғонган — кунлар келиб автомобиль рулига ўтиришни мақсад қилганман. Ўн беш йил аввал ҳайдовчиликка ўқиб, “В” ва “С” тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олгандим. Беш йил бўлди, ўзим ишлаётган спорт-техника клуби ўргатувчи уста лавозимига тавсия қилишди.



Янги вазифанинг масъулияти баланд. Ахир у оддий касбмас, ўзидан ташқари ҳаракатнинг барча иштирокчилари, машинасидагиларнинг хавфсизлигини елкасига олиши шарт бўлган ҳайдовчини тарбиялаши керак. Йўл эса кичкинагина хатони ҳам кечирмайди. Қоидаларни ипидан-игнасигача ўзлаштирмаган кишидан ишончли ҳайдовчи чиқармиди? Автомобиль бошқаришга яхшигина қўли келиб, кўзи пишиб қолганига қарамай Муқаддамга анча тайёрланишига тўғри келди. Автодромда икки хафта шуғулланиб, билганларини янада чуқурлаштирди.

— Аёлларга аёл киши мураббийлик қилгани яхши, — давом этади у. — Аввало, аёл киши ширинсухан ва сабрли бўлади. Агар ўргатувчи эркак бўлса тортинади, ҳаяжонланади, бераётган сабоғингизни шунга яраша қабул қилади. Кўп кузатганман, шогирдларим рулга ўтирганда кўзларини менгамас, йўлга тикиб дадил ҳаракатланади. Чунки ўзига ишонади, ёнида мен ўтирганимдан кўнгли тўқ. Бундай шароит билан бутун ўқув курси учун ажратилган 156 соатлик амалий машғулотларда уловни бошқариш малакасини тўла-тўкис ўзлаштириб олиш мумкин.

Вилоятда биринчи бўлиб ўргатувчи уста лавозимига қабул қилинган Муқаддам қисқа фурсатда ҳамкасблари орасида муносиб ўрин топди. Иш бошлаганига бир йил ўтмай унга хизматда фойдаланиш учун яп-янги “Nexia-3” машинаси ажратилди. Бошқаришга қулай, бундай уловда ҳаракатланиш ҳам осон. Мураббий уловини кўз қорачиғидек асрайди, техник қаровини вақтида ўтказади, бундай муносабатни шогирдларига ҳам сингдиради. Машинасининг 150 минг чақирим йўл босганига қарамай, ҳамон гижинглаган тойдек тургани шундан. Ўтган вақтда Муқаддам опа у билан 300 га яқин хотин-қизларни ҳайдовчиликка тайёрлади. Бари йўл ҳаракати қоидаларидан тўла хабардор, интизомли бўлиб етишган. Аксарияти ҳайдовчиликни асосий юмушга айлантирган. Масалан, улардан бири Норининг ўзида чиқинди ташишга мослаштирилган каттагина “Isuzu”ни моҳирлик билан бошқаряпти. Мухлисахон эса шаҳарлараро юк машинасида хорижга қатнамоқда. Устозидан олган сабоқлари йўллари яхшигина тирбанд бўлган улкан шаҳарларда ҳам иш бераётганидан мамнун.

Қишлоқ аёли ҳақида гап кетганда унинг асло меҳнатдан қочмаслиги, турмушнинг кўп жабҳаларида эркаклар билан баробар фаолият олиб бораётганига алоҳида урғу беришади. Қўрғончалик Муқаддам Султонова ҳам корхонасидаги саккиз соатлик иш билан чекланиб қолишни ўзига эп кўрмайди. Уй бекалигини жойига қўйганидан турмуш ўртоғи Зокиржон ака жудаям хурсанд. Тўрт-беш йил аввал хонадонда икки бош ҳисори қўйни боқишга қўйишганди. Ҳозир ўнтага кўпайди. Етилганини вақти-вақти билан бозорга чиқаришади. Бу ҳам ўзига яраша бизнес-да.

Муқаддам опа яқинда эллик ёшини нишонлади. Қўни-қўшни, яқинлар, ишхонадагилар табриклашди. Келинг, энди дамингизни олинг, деганлар ҳам бўлди. Опанинг уйда ўтириб қолгиси йўқ, чунки кунда йўл оралаб элга наф келтирадиган қадрдон касби ҳаётининг мазмунига айланган. Қолаверса, бугун вилоятда унинг изидан бориб ушбу тизимда меҳнат қилаётган 12 нафар аёл билан опа-сингилдек бўлиб қолган, улар билан дийдорлашган ҳар лаҳзасининг мазмуни ўзгача.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Томорқачилик

# УЧКЎПРИКЛИК ЛИМОНЧИЛАР

*Учкўприк туманида томорқада цитрус мева — лимон етиштириш борасида ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Айни пайтда тумандаги Оқсув, Боғибўстон, Олтин водий, Сариқўрғон, Тожик, Сой бўйи, Катта қашқар, Қурбон қашқар маҳаллаларида 3 823 та хонадондаги 766 гектар майдонда ташкил этилган иссиқхоналарда лимон парваришлаш йўлга қўйилган. Бу маҳаллалар лимончилик ва бошқа цитрус мевалар етиштириш орқали ишсизликдан холи ҳудудга айланмоқда. “Тожик” МФЙ туманда биринчилардан бўлиб худди шундай мақомга эришди.*

— Ҳозирги кунда мингдан ортиқ хонадонларда 4 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Тожик” МФЙ раиси Камолжон Туробов. — Аҳолига томорқа сифатида ажратилган 47 гектар ернинг 37 гектарида замонавий иссиқхоналар ташкил этилган.



Маҳаллада лимончилик жадал ривожланиб, шу билан бирга, лимон кўчатлари етиштириш, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Масалан, энг миришкор томорқачи Козимхон Туробов хонадонидаги қарийб 35 сотих ер майдонидаги иссиқхонада лимон кўчати етиштириб, мўмай даромад олмоқда. Оила аъзолари банан ва ананасни маҳаллийлаштириш бўйича қувонарли ютуқларни қўлга киритаётгани ҳам эътиборга молик.

Козимхон Туробов маҳаллада лимончилик кооперациясини ҳам ташкил этган. Бу жараёнга ҳудуддаги 420 та хонадон қамраб олинган бўлиб, уларга лимон кўчати етказиб берилади. Ҳосил шартномада келишилган нархда қайта сотиб олинади.

“Катта қашқар” МФЙда ҳам аҳоли томорқаларида лимон парваришлаш ва мандарин, апельсин каби цитрус мевалар етиштириш, кўчатчилик маҳалла драйверига айланган. Айни пайтда маҳалладаги 1367 та хонадоннинг 900 га яқинида лимон етиштирилади. Ҳар йили ўртача 800 тонна ҳосил олиниб, унинг 700 тоннаси МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Маҳалла хонадонларида, асосан, 2 — 6 сотихли, баъзиларида 20 сотихгача иссиқхоналар барпо этилган. Битта оила лимончиликнинг ўзидан йилига ўртача 75 — 80 миллион сўмгача даромад олади. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 2 апрелдаги “Республикада лимончилик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, Учкўприк туманида жорий йилда 800 та хонадонни, 2026 йили эса яна 1 020 та хонадонни лимончиликка ихтисослаштириш ҳамда қўшимча қарийб 100 гектар майдонда янги иссиқхоналар ташкил этиш белгиланган. Бу йил туманда ўртача 2 миллион долларлик лимонни экспортга чиқариш кўзда тутилган.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Омилкорлик

# ПЎЧОҒИ ҲАМ ДАРОМАД

*Қовуннинг пўчоғидан ҳам даромад олса бўладими? Ҳа, бўлади: мана бир неча йилдирки, Ховос туманидаги Оқчангал маҳалласи аҳолиси ушбу полиз маҳсулотидан ҳеч бир чиқит чиқармай мўмай даромад олиб келмоқда.*




...Оқчангал — юртимизнинг том маънодаги қовун марказларидан бири. Бинобарин, қовунчилик мазкур қишлоқ аҳлининг бир неча ўн йиллик фаолият тури ҳисобланади. Балки шу узоқ йиллик тажриба туфайлидир Оқчангалнинг чунонам уста деҳқонлари борки, улар бир қарашдаёқ ҳар қандай ернинг тупроқ ҳолатини билади, яъни қаерда қовун униб ўсади, қаерда йўқ, ҳеч бир лаборатория таҳлилларисиз, шунчаки синчков нигоҳлари орқали аниқ айтиб беради. Қолаверса, халқона селекция туфайли мазкур маҳаллада қовун уруғчилиги ва навлари бўйича ҳам ўзига хос бой тажриба тўпланган.

Эндиликда Оқчангал қовунчилик мактабининг довруғи узоқ-узоқларга етиб бормоқда. Гап шундаки, мазкур маҳалла деҳқонлари Сирдарёдан ташқари мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам қовун экиб, юқори ҳосил олмоқда. Қовунни этидан пўчоғигача — ҳеч бир исрофсиз даромад манбаига, иқтисодий-тижорий талқинда айтганда, қимматли товарга айлантирмоқда. Жумладан, қовун қоқи тайёрлашда ажратиладиган пўчоқлардан узоқ вақт сақлаш мумкин бўлган тўйимли озуқа тайёрланмоқда. Яъни серсув ва ширали пўчоқлар обдан қуритилгач, сифатли ҳамда бозорбоп маҳсулот тусига кирмоқда. Шунингдек, қовун уруғи ҳам косметика саноати учун хомашё сифатида сотилмоқда.

Бугун маҳалланинг қай бир хонадонига кирманг, ўзига хос қовунқоқи ишкомларини кўрасиз. Уларга осилган қовунлар табиий муҳитда — офтоб нурида қуритилади. Тайёр маҳсулотлар қишлоқдаги қадоқлаш билан шуғулланадиган тадбиркорларга топширилади. Қадоқлангач экспортчиларга етказилади. Эътироф этиш керакки, тасаввуримизда оддий бир қоқи ҳисобланган қовунқоқиларга шакл берилиб, қадоқлангач бинойидек товарга айланяптики, унинг ушбу жозибадор кўриниши ва ширин таъми чет эллик харидорларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

— Ҳозирда қовунқоқи тайёрлаш жараёнида фақат уни етиштирган деҳқонларгина эмас, бошқа кўплаб оилалар ҳам шуғулланаётир, — дейди Оқчангал маҳалласи ёшлар етакчиси Жамшид Бектошев. — Яъни қовунчилик ва қовунқоқи тайёрлаш маҳалламизнинг драйвер фаолият тури саналади. Айни йўналиш туфайли ўнлаб ёшлар қўшимча даромад топмоқда. Масалан, бир неча нафар йигит-қиз субсидия ҳисобидан олган компьютер ва принтерлари воситасида қовунқоқилар учун савдо ёрлиқлари тайёрлаб бермоқда. Ушбу иш ҳам маҳалламизнинг ўзида бажарилаётир.

Умуман, Оқчангал ва қўшни маҳаллада жами 10 минг киши бевосита қовун етиштириш ва ундан турли маҳсулотлар тайёрлаш билан машғул. Яна бир эътиборли мисол шуки, кейинги бир йилда айни маҳаллалар аҳли 200 дан зиёд янги автомобиллар харид қилибди, ўнлаб кўркам уйлар қуриб битказилибди. Албатта, буларнинг барчаси икки маҳалла учун ҳам драйвер фаолият ҳисобланмиш қовунчилик ва ундан маҳсулот тайёрлаш самарасидир.

— Маҳалламиз йирик автойўл четида жойлашганлиги ҳам аҳоли учун катта имконият, — дейди “Оқчангал” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Асатилло Норжигитов. — Ушбу йўлдан юртдошларимиз қатори хорижий сайёҳлар ҳам тез-тез ўтиб туради. Шу боис яқин келгусида маҳалламизда қовунчилик бўйича гастрономик кўча ташкил этиш режамиз бор. Бу билан юртимиздаги агросайёҳлик йўналиши ривожига ҳисса қўшишни ният қилганмиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ГУЛ ШАЙДОСИ

*Самарқанд вилоятининг чекка ҳудудларидан бири Каттақўрғон туманидаги Янгиравот маҳалласида истиқомат қилувчи Тожинор Норованинг асли касби муаллим. Узоқ йиллар мактабда дастлаб бошланғич синф ўқитувчиси, кейинчалик информатика ва математика фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Ҳозир нафақада бўлишига қарамай, ўзининг мўъжазгина ҳовлисида анвойи гуллар етиштириб, одамларга гўзаллик улашиб келмоқда. Ёшлигидан гулларга меҳр қўйган Тожинор опа ўн йилдан буён 4 сотих иссиқхонада 200 турдан ортиқ гулларни парваришламоқда.*

### Тадбиркорлик

— Ҳаётимдаги энг севимли машғулот — гулчилик. Улар мени доим маҳлиё этган: уйда, кўчада, ишда, — дейди Тожинор муаллим. — Гуллар хилмахиллиги ва ифори билан ҳайратда қолдиради: оддий дала гулларидан тортиб, нафис боғлардаги атиргулларгача. Аввал бошланишига оддий гуллардан экиб кўпайтирдим. Кейин бошқа мамлакатларда ўсадиган ноёб гулларни ўстиришга киришдик. Ҳозирги кунда иссиқхонамизда Италия, Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Озарбайжонда ўсадиган 200 дан ортиқ турдаги гуллар мавжуд. Улар парвариши билан шуғулланиб тинимсиз ҳаракатда бўламан. Бу соғлиқ учун ҳам фойда.



Ўтган йили гулчиликдан 120 млн. сўм даромад топган Тожинор Норова жорий йилда 150 млн. сўмга яқин фойда олишни кўзлаяпти. Дарвоқе, у гулчилик даромади ҳисобидан “Лабо” автомобилини харид қилди. У гулларни харидорларга етказиб бериш, бошқа юмушларда беминнат дастёр.

Асосийси, Тожинор Норова фаолияти орқали нафақат ўзининг ёшлик орзусини рўёбга чиқарди, балки маҳалладаги кўплаб хотин-қизларни ҳам ишли қилди. Бугун маҳаллада унга ҳавасманд гул етиштираётган соҳибкорлар сони ортиб бормоқда. Табиийки, бу оилавий бюджетга фойда келтирмоқда.

Юртимизда гулчиликни ривожлантиришга берилаётган имтиёзлар ушбу йўналишда фаолият кўрсатиб келаётган ватандошларимизга янада кенг имкониятлар яратмоқда. Турфа гул кўчатлари етиштириб келаётган Тожинор Норова ҳам бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, келгусида якка тадбиркорлигини янада кенгайтириш ниятида. Ўз тажрибасини бошқаларга ҳам ўргатиб, янги иш ўринларини яратишга бел боғлаган.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# КИТОБ ЎҚИМАЙДИГАН ЎҚИТУВЧИ

*Буюк алломаю уламолар, файласуфлар, сиёсатчилар, ижодкорлар томонидан энг кўп афоризмлар, ҳикматлар китоб ва китобхонлик маданияти ҳақида айтилган. Китоб инсонни тафаккур қилишга ундайдиган, уни яхшиликка, эзгуликка чорлайдиган асосий воситадир. Бугун юртимизда ҳам китобларни нашр этишдан тортиб, китобхонликни оммалаштиришгача бўлган барча жараёнларга давлат аҳамиятига молик масала сифатида эътибор қаратилмоқда. Натижада китобхон ўқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани айни ҳақиқат. Аммо афсуски, мамлакатимизда умумий китобхонлик даражасини ҳамон юқори, деб бўлмайди.*

### Бир олманинг икки юзи

Масалан, ўтган йили “CEO World” журнали ҳамда “World Population Review” социологик маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, аҳолининг китобхонлик даражаси бўйича АҚШ биринчи ўринни эгаллади. Қўшма Штатларда ўрта ҳисобда бир йилда бир киши 17 та китоб ўқиркан. Шунингдек, рўйхатда Ҳиндистон иккинчи (йилига 16 та китоб), Буюк Британия учинчи (йилига 15 та китоб) ўрин эгаллаган. Франция, Италия, Канада, Россия, Австралия, Испания, Нидерландия давлатлари мос равишда кучли ўнталикдан жой олишган. Мамлакатимиз эса юзталик рўйхатда ҳам қайд этилмади.

Юртимизда китобхонликни янада оммалаштириш, айниқса, ёшларнинг китобга меҳрини, қизиқишини ошириш учун нима қилиш керак, дерсиз? Бунинг учун аввало таълимнинг қуйи бўғинларида ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга катта эътибор қаратиш, бу борада мактаб кутубхоналари имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур.

Қашқадарё вилояти мисолида олайлик. Айни пайтда вилоятдаги мингдан ортиқ мактаб кутубхоналарида 2,5 миллионга яқин бадиий ва илмий-оммабоп китоблар фонди мавжуд. Уларни янада бойитиш, шарт-шароитларини яхшилаш мумкин. Бироқ шунинг ўзи билан ўқувчиларда китобхонлик даражаси ошиб қолмайди. Ўша таълим муассасида, аввало, ҳақиқий китобхонлик муҳити пайдо бўлиши, кутубхона энг гавжум ва қайноқ масканга айланиши зарур. Аммо бугун аксар мактабларда нафақат ўқувчилар, ҳатто ўқитувчилар ҳам кутубхона эшигидан деярли бўйламаслиги бор гап. Кутубхоначининг иши эса фақат дарслик китоблар тақсимотидан иборат бўлиб қолган.

Ўтган йили Чироқчи туманидаги 4-мактабнинг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилганди. Бинода кутубхона учун ҳам ёруғ ва шинам хона ажратилган. Айни пайтда бу ерда 2467 та бадиий ва илмий-оммабоп китоб мавжуд. Лекин бадиий китоб сўраб кирадиган ўқувчилар, муаллимлар йўқ ҳисоби.

Кутубхонага аъзолик дафтарчаларини бирма-бир варақларканмиз, бирор киши яқин вақтда бу ердан бадиий китоб олиб ўқимаганига амин бўлдик. Ҳатто ўқитувчилар ҳам! Мактаб кутубхоначиси Феруза Жўраева аввалига ўқитувчиларнинг кутубхонадан тез-тез китоб олиб туриши, бироқ улар китобни ўз вақтида қайтаришига ишонгани боис буни абонент дафтарчасига қайд этмаганини айтган бўлса-да, кейинчалик барибир ёрилди.

— Мактабда китобхонликни тарғиб қилиш вазифам, — дейди у. — Шунга доим ҳаракат қиламан, ўқитувчиларга айтаман, лекин келишмаса нима қилай?! Ҳатто шу аъзолик дафтарчаларини ҳам синфма-синф юриб, ўзим тўлдириб чиққанман. Кутубхонага келиб китоб сўрайдиган саноқли ўқувчи бор. Улар ҳам онда-сонда бир келади.

Шаҳрисабз шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактаби кутубхонасида эса 1600 дан ошиқ бадиий ва илмий-оммабоп китоблар мавжуд. Картотекалардаги маълумотлардан билиш мумкинки, кутубхонадан доимий равишда китоб олиб ўқийдиган ўқувчилар, ўқитувчилар бор, аммо саноқли. Мактаб раҳбарияти, ҳатто она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг аъзолик дафтарчаларидаги охирги ёзувлар 2022, 2023 йилларда киритилган. Жавонларда юзини чанг қоплаган яп-янги китоблар шунчаки қўр тўкиб турибди.

Тўғри, бадиий китоб ўқиш ёки ўқимаслик ҳамманинг хоҳиши. Лекин гап ёшлар тарбияси ҳақида бораркан, мактабда китобхонликни оммалаштириш, ҳақиқий мутолаа муҳитини яратиш учун муаллимларнинг ўзи ўқувчиларга ўрнак бўлиши, кутубхонани доимо гавжум масканга айлантириш ҳақида бош қотириши зарур эмасми? Чунки кўпчилик китоб ўқийдиган, китобхонлик ҳақида суҳбатлар, баҳс-мунозаралар бўладиган жойда бошқалар ҳам шунга интилади, китобхонлар сони ортиб бораверади. Шаҳрисабз шаҳридаги 24-умумий ўрта таълим мактаби фаолияти билан танишарканмиз, бунга гувоҳ бўлдик. Мактабда 610 нафар ўқувчи икки сменада таҳсил олади. Хона етишмаслиги боис бинонинг айвон қисми ёпилиб, кутубхонага айлантирилган.

Китоб жавонларини кузатаркансиз, айрим сиёсий ва илмий адабиётларни айтмаса, яп-янги турган китобни деярли учратмайсиз. Ниҳоятда эскирган, ҳатто қайта таъмирланган китоблар кўп. Шу ҳолатнинг ўзиданоқ мактабда китобхонлар кам эмаслигини англаган бўлсак-да, аъзолик дафтарчаларига назар ташладик. Йил бошидан буён 20 дан ортиқ китоб олиб ўқиган ўқувчилар, ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади.

Мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Лобар Алимардонованинг яқиндагина кутубхонадан иккита китоб олганини билиб, ундан мутолаа таассуротлари ҳақида сўрадик.

— Бу китобларни аллақачон ўқиб чиқиб, таассуротларимни ўқувчиларга сўзлаб беришга ҳам улгурдим, — дейди у. — Тўғриси, мактабимизда китобхонлар кўп. Буни кўриб, ота-оналарда ҳам китобхонликни рағбатлантиришга қизиқиш ошмоқда. Кутубхона фонди, асосан, уларнинг кўмаги билан бойияпти. Масалан, яқинда китоблар ярмаркасини ўтказдик. Ота-оналар 210 та бадиий китоб харид қилиб, барча фойдаланиши учун мактаб кутубхонасига тухфа қилишди.

Асосийси, китобхонликка, илмга чанқоқлик ўқувчиларнинг қўлга киритган ютуқларида ҳам акс этмоқда. Бу ерда китобхонлик бўйича турли танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчилар кўп. Ўтган ўқув йилида эса мактабнинг барча битирувчилари юз фоиз талабалик бахтига мушарраф бўлди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти юртимиздаги нуфузли олий ўқув юртларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Қозоғистоннинг Оқтов шаҳридаги марказий кутубхонада Ўзбек тили ва адабиёти бурчаги очилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.12 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6